

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙУНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Қудратова Нилуфар Шухрат қизининг**

**МАВЗУ: АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА БУХОРО  
АМИРЛИГИ МУДОФАА ТИЗИМИ ТАРИХИНИНГ  
ЎРГАНИЛИШИ**

**Малакавий битирув иши**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**

**т.ф.н. доц.М.Исмоилов**

**Тошкент 2014**

## МУНДАРИЖА

**Кириш** ..... 3

### **I Боб. Архив ҳужжатларида Бухоро амирлигида қўшин тузилиши, ҳарбий унвон ва мансаблар тавсифи**

1. 1868-1920 йилларда амирликнинг сиёсий ва ҳарбий аҳволи .
1. 2. Бухоро амирлигида қўшин тузилиши.....
2. 3. Амирликдаги ҳарбий унвон ва мансаблар .....

### **II Боб. Бухоро амирлигида қўшиннинг моддий-техник аҳолининг архив ҳужжатларида акс этиши**

- 3.1. Бухоро амирлиги қўшинидаги курул-яроғлар.....
3. 2. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий ва маиший турмуши .....
- Хулоса.....
- Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар .....
- Иловалар .....

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбек халкининг асрий орзу-истаги истиклолга эришиш, уз миллий ва тарихий давлатчилиги анъаналарини тиклаш, одил, адолатли ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш ва унда тинч, осуда ҳаёт кечиришдан иборат. Ўзбекистон уз тарихи мобайнида жуда куплаб босқинларга гувоҳ бўлганди, аммо зиддият ва карама-каршиликларга бой Россия империяси босқини даври тарихи муаммолари, унинг ечимларини урганиш алоҳида урин эгаллайди. Истиклол она юрт гуллаб - яшнаши, ўзликни англаш, дунёга юз тутиш, бой тарихини тиклаш ва ривожлантириш, уни урганиш учун кенг йулларни очно берди. 1998 йили Республика Президенти Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар ва бир гуруҳ зиёлилар билан бўлиб утган учрашуви ва унда тарихчилар олдига кўйилган муҳим вазифалар бу борада амалга оширилаётган ишларда янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори тарихни ўрганиш ишига давлат миқёсида катта аҳамият берилаётганлигидан дарак беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муҳим вазифалар Ватан тарихини объектив ва холисона тадқиқ этиш истикболларини очиб берди. Ҳозирда юрт озодлиги ва мустақиллигини қатъий таъминлаш, {Марказий Осиё минтақасида тинч ва осуда яшаш, ҳарбий мудофаа қобилияти кудратига бевосита боғлиқдир. «Нега жаҳонга Ахмад Фаргоний, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Ибн Сино, Лбу Райхон Беруний, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII - XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз колокликдан чикмай колди? Аждодларимизнинг каттик қаршилигига қарамай, чор Россиясининг 5'лкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу колокликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин?»- дея

мутахассисларга мурожаат қилган эди Республика Президенти Ислам Каримов.'

Тадқиқ этилаётган «Архив ҳужжатларида Бухоро амирлиги мудофаа тизими тарихининг урганилиши» мавзуси орқали курсатилган муаммолар ечимига илмий равишда жавоб излашга ҳаракат қилинди. Шубҳасиз, Россия империяси томонидан ўлканинг забт этилишида кўпгина соҳалар билан бир қаторда ҳарбий соҳадаги қолоқлик ҳам сабаб бўлган эди. Тарих фанининг асосий қисмларидан саналмиш ҳарбий тарих, ҳарбий санъат, қурол-аслаҳа тарихини урганиш бугунги кунда нафақат Ўзбекистон балки, бошқа мамлакатлар тарихида ҳам долзарб мавзу бўлиб келяпти. Ушбу мавзу мустақил давлатимизнинг ҳарбий соҳада ҳамқўлга киритган муваффақиятларини баҳолашда муайян аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ўтмишидаги ҳарбий санъат ва қўшин ишларида қўлга киритилган муваффақиятлари, мавжуд камчиликлари, галаба ва мағлубиятлари сабабларини ўрганиш Ўзбекистон тарихи фани учун долзарб мавзудир. Бу йўналишда:

- Мавзуни илмий тадқиқ қилиш орқали манғитлар сулоласи ҳукмронлиги ҳамда мустамлакачилик даври тарихини янада чуқур, мукаммал ўрганишга имкон туғилди;

- Қатор архив манбалари асосида Бухоро амирлигининг ҳарбий соҳадаги тажрибаси ва фойдаланилмаган имкониятларини аниқлаш заминида илмий хулосалар чиқарилди.

Ҳарбий соҳада қўлланилаётган бугунги йўл миллатлараро тинч-тотув яшашга, ўз ҳудудини мудофаа қилишга қаратилган экан, бу борадаги сиёсий вазият нуқтаи назаридан келиб чиқиб, юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига тайёр турмоқлик давр талаби ҳисобланади.

**Мавзунинг урганилангик даражаси.** «Архив ҳужжатларида Бухоро амирлиги мудофаа тизими тарихининг ўрганилиши» мавзусида яратилган

протекторат йилларида Россия ва Туркистон матбуотида чоп этирилган асарлар, совет даври тарихшунослиги, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яратилган мавзуга оид изланишлар ҳамда хориж матбуоти саҳифаларида эълон қилинган асарлар гуруҳларига бўлиши мумкин. Россиянинг Ўрта Осиёга қизиқишининг дастлабки босқичларидаёқ Россия империяси томонидан юборилган жосуслар, элчилар, махсус топширик олган сайёҳлар ўлканинг моддий бойликлари захираси билангина қизиқиб қолмай, ҳарбий салоҳияти ва ҳолатини аниқлашга ҳам эътиборни қаратишган.

Тадқиқот хронологик доирасига тегишли даврга оид яратилган асарлар тарихшунослиги, манбашунослиги, кутубхона ҳамда архив фондлари каталогларининг яхлит тизимга келтирилиши, олимларнинг бу йўлдаги илмий изланишлари тадқиқотчига бир қадар қулайликлар тугдирди<sup>1</sup>. Қўшин тузилишида, ҳарбий стратегия ва тактикада қўшиндаги унвон ва мансаблар, Бухоро амирлигида ҳатто темурийлар давридагидан деярли ўзгармаган ҳолдаги, эскирган ўрта асрчилик қонун - қоидалари мавжуд бўлиб келганлиги баён қилинади.

Бухоро амирлиги Россия империяси вассалига айланганидан сўнг мустамлака мақсадлари йўлида ўлка тарихини ўрганиш авж олдирилди. Туркистон генерал - губернаторлиги (1867-1917) даврида нашр қилинган газета ва журналлар, ўлкани ўрганиш рус илмий жамиятлари томонидан айрим ЧОП этилган тўпламларда тадқиқ этилаётган мавзуга оид бир қанча маълумотлар эълон қилинди<sup>2</sup>.

Ҳарбий тарих ва ҳарбий санъат тарихи мавзусида илмий ишлар олиб бориш кўпгина олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган Бухоро амирлигида ҳарбий иш мавзуси бир қатор тадқиқотчилар томонидан улар

<sup>1</sup> Черкасов И. Защита Самарканда в 1868 году. /, Вяткин В.

Л. Раджаб-хан. Из истории Бухари XVIII в.

Туркестанские ведомости. 1903. - № 35; Соболев Л. Новейшая история Бухарского ханства. Логофет Д. И. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. СПб.. 1909; Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения, т. 11. Ч. 1. М. 1963; Маев И. Очерки Бухарского ханства. -СПб.. 1879.

яратган асар ва маколаларида маълум даражада урганган. Айниқса XX аср совет тарихшунослигида ушбу мавзу йуналишида кенг шуғулланилди. Жумладан, В. Бартольд, А.Семенов, С. Айний, Ф. Хужаев, А. Ҳамроев, А. Муҳаммаджонов ва Т. Ёеъматов, Б. Искандаров, А. Мажлис, Н. Кисляков, А. Эшонов, Х. Бекмуҳаммедов, Д. Логофет, А. Бобохужаев, А. Фомченко, Б. Луин, Т. Т^хтаметов, А. Рябинский, М. Абдурахимов, Т. Файзиев, К. Мухсинова, Н. Норкулов, Г. Ахмаджонов, Г. Михалева, Ф. Қосимов, Х. Зиёевлар ва бошқаларнинг асарларида тадқиқот мавзуси учун хизмат қиладиган баъзи умумий мулоҳазалар билдириб 5'тилади'

Бухоро амирлигида мунтазам кушинга асос солиниши йулидаги курашлар, унинг илмий талқини тадқиқотчилар томонидан атрофлича урганган. 1

Кейинги йилларда шу даврга тегишли бир катор манбалар урганиб чиқилиб, тадқиқ этилаётган мавзунинг айрим жихатларини очиб беришга хизмат қилган."

Тарихчи К.Ҳакимова уз илмий ишларидаз амирликдаги дехкон галаёнлари ва уларнинг бостирилишидаги кугин харакатлари хусусида фикр билдирса, Л.Муҳаммаджонованинг' илмий тадқиқотларида эса XX аср бошларида амирликдаги ижтимоий харакатлар масалалари камраб олинади.

Бухоро амирлигида хунармандчилик, хусусан, чуян эритиш, туп қуйиш курул-яроглар ишлаб чиқариш (килич, ойболта, чоройна, ханжар...) масалалари тарихчи Р. Қиличевнинг тадқиқотларида! уз тахлилин топган. Маълумки, Марказий Осиё мавжуд хонликларидаги ижтимоий - иктисодий хаётда умумийлик купрок кузатилсада, олимларнинг айрим тадқиқотлари<sup>2</sup> хонликлардаги узига хос жихатларини кўрсатиб беради. Бу эса юкорида

ЗиёевХ.З. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIXасрлар) Тошкент 1962. История Б\хара с древнейших времен до наших дней (Б.В.Луин. Я.Г.Гулямов н.др) Ташкент 1976.

ГНоркулов И. "Тарих-и Салими"" - ценный источник по истории Б\_\ харского э.мирата (1860-1920 гг.) Т.1968

' Хакимова К. 3 Крестьянство Бухарского эмирата конце XIX начало XX в Т.Фан. 1991

келтирилган мавзу учала хонликни киёслаш, таккослаб урганиш имкоини беради.

Шу билан бирга мавзуга оид сўзнинг тадқиқотлардан Б. Турсуновнинг битирув малакавий ишисида Қўқон хонлигидаги харбий иш мавзуси атрофида ёритилиб, у юқорида кўрсатиб утилган муаммоли масалаларни бир қадар ойдинлаштириш учун хизмат қилади. Тарихчи томонидан Қўқон хонлигида кечган ижтимоий сиёсий жараёнлар, қўқон тузилиши, бошқаруви, харбий унвон ва мансаблар, улар эгаларининг вазифалари, стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган хонликдаги харбий истехкомлар (калъалар иловада харитаси билан), қўқонда мавжуд булган қурол- аслаҳалар, қўқон таркибига қабул қилиш тартиби қоидалари, харбий хизматчиларнинг моддий ва маиший турмуши ва бир қатор муҳим масалалар илмий жиҳатдан таҳлил этилади.

Мавзуга дойр янги маълумот, рақам, фикр ва мулоҳазалар илмий муомалага киритилганлиги ижобий ҳодисадир. Ҳ. Зиёев, А. Аҳмаджонов, К. Ҳақимова, Ф. Қосимов, Ш. Воҳидов, Қ. Ражабов, Ф. Очилдиев, М. Ҳамидова, А. Одилов, Р. Холиқова, А. Замонов ва бошқа муаллифларнинг илмий тадқиқотлари мустақиллик даврида яратилган бўлиб, бу асарлар ва мақолаларда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги тарихи хусусида умумий фикрлар ёритилган. Хориж тарихшунослигида илмий салоҳияти юқори бўлган асарлардан олмониялик

' Зиёев Ҳ. 3. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронликга қарши қўқонликлар. (XVII- XX аср бошлари). - Тошкент: Шарқ. 1998; Шу муаллиф. Бухоро хонлигининг тарихи. (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). - Тошкент: Шарқ. 2001; Он же. Завоевание Бухарского и Хивинского ханства царизмом // Общественные науки в Узбекистане. - Ташкент. 1990. -- № 8; Аҳмеджанов Г. А. Российская империя в Центральной Азии. (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). - Ташкент, 1995; Ҳақимова К. 3. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX-начала XX вв. - Ташкент. 1991; Қосимов Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро хондорларининг урни // Тарих. мустақиллик, миллий ғоя. - Тошкент, 2001. - Б.192-193; Шодмон Воҳид. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. - Тошкент. 1996; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. - Тошкент: Янги аср авлоди. 2006; Масалиева О. Бухоро амирлигида давлат бошқаруви (хорижлик муаллифлар асарлари асосида) // Ҳаёт ва қонун. 1991. - № 2; Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. - Ташкент. 1991; Одилов А. Бухоро амирлигида XIX асрнинг 60-йилларида озодлик ҳаракати тарихи // Илмий гуллам. Т. 1995. Б. 96-98; Шу муаллиф. Абдумалик Тура бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати тарихидан // Ўзбекистон хабарлари. 2002. - № 2; Шу муаллиф. Озодлик фидойиси // Тафаккур. 2001. - № 2; Замонов А. XV-XIX аср урпақларида Бухоро амирлигининг қўқон тузилиши ва харбий бошқаруви. Ўзбекистон тарихи. 2014 й. 21-йил муаллиф. Шайбонийлар давлатида харбий иш. // Тошкент ислом шариати институти ахборотномаси. 2014 й. №1.

олима Анке фон Кюгельгеннинг «Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.)» (Алматы: Дайк-Пресс, 2004) ни тилга олиш мумкин. Бухоро мангитлар сулоласи ҳақида Қ. Ражабов бир катор мақолалар<sup>1</sup> чоп эттирди. Р. Холикованинг монографияси<sup>2</sup> ва айрим мақолаларидат<sup>3</sup> тадқиқ қилинаётган мавзуга оид фикр ва мулоҳазалар учрайди.

XX аср бошларига келиб Туркистон улқаси ижтимоий ҳаётида янги давр бошланди. Бир катор илғор фикрли намоёндалар етишиб чиқиб улар жади́дчилик байроғи остида фаолият курсатдилар. Дна шу даврда жади́длар Бухоро амирлигида демократик ислохотлар утқаздиш, унинг таназзулга юз тутган ҳаётини янгидан тиклаш, хусусан, амирликда ҳарбий соҳа замон талабларидан ута орқада қолаётганлигига эътиборни қаратувчи ўз асар ва мақолалари билан майдонга чиқдилар<sup>4</sup>.

Ушбу ишларда замон талаблари асосида армияни ислоҳ қилиш, илғор тажрибаларни қуллаш, ҳарбий қуро́л аслаҳалар ишлаб чиқариш муаммоларини долзарб ва давр талаби эканлиги қайд этилган.

Ҳарбий санъат тарихига қизиқишлар айниқса, сўнгги йилларда анча жонланди. Ҳарбий стратегия ва тактика, урушлар тарихи, саркардаларнинг ҳарбий маҳорати, жанг услублари ва соҳага оид бир катор илмий асарлар чоп

<sup>1</sup> Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва \нга қарши \раш. - Тошкент: Маънавият. 2002; Шу муаллиф. Мухаммад Раҳимхон-мангитлар с\лоласи асосчиси Бухоро мавжлари. 2005. - № 3. Б. 36-37; Шу муаллиф. Мухаммад Дониёлбий оталиқ; бийлик .мансабидан амирлик р\тбасигача Бухоро мавжлари. 2005, - №4. - Б. 26-27; Шу .муаллиф. Амир Шох .мҳрод ёхуд «а\и\ри маъсум» ' Бухоро мавжлари. 2006. - № 1. - Б. 36-38; Шу муаллиф. Амир Ҳайдар ёхуд а.мири Са\йид ' Бухоро .мавжлари. 2006. - № 2 ~ Б. 40- 42. ^ Холикова Р. Россия-Бухоро; тарих чорра.часида. - Тошкент: ^\китувчи. 2005. - 236 б.

<sup>2</sup> Холикова Р. XIX асрда Бухоро амирлиги Жа.мият ва бошқар\в. 2000. - № 3; Шу муаллиф. Амирликдаги амаллар ва унвонлар /' Фан ва турм\ш. 2000. - № 4; Ш\ муаллиф. Бухоро ,\кдорлари. Автобиографик очерк (XIX-XXаср бошлари) // Жа.мият ва бошқар\в. 2004. - X» 2; Шу муаллиф. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар // Мулоқот. 2004. - 1; Шу муаллиф. Вассал Бухоро а.мирлигининг маъмурий-сиёсий тузилиши // Тарих, мустақиллик, миллий гоё. - Тошкент, 2001. - Б. 206-208; Шу муаллиф. XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги /' Жайхун. ТерДУ хабарлари. 2005. - № 1. - Б. 32-37; Шу муаллиф. Вассал Бухоро амирлигида ма.чаллий бошқар\в ' Тарих. .м\стақиллик, .миллий гоё. Тошкент. 2001.-Б.209-210

<sup>3</sup> Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила б\ҳоролик .мударриснинг жади́д .мактаблари хусусида қилган мунозараси // Шарқ юлдузи. 1997. - № 1; Л\у.муатлпф. Давраи .ч\кморнии Амир Олимхон. Душанбе. 1991; Муфти Махмудхужа Бехбуд\ний. Бухоро хонлигига саёхат Ҳаёт ва иқтисод. 1990. - № 1; Айний С.Материалы к истор\и\и Бухарской революции. - М.. 1926; Он же. Б>лара. Кн. 1-2. Душанбе: Ирфон. 1981.

харбий маҳорати, жанг услублари ва соҳага оид бир қатор илмий асарлар чоп эттирилди'. Бундан ташқари, яқиндан бошлаб республика Олий ўқув юртлари баъзи мутахассисликлари учун харбий тарихга оид махсус курслар ўқитишнинг йўлга қўйилиши ҳамда курснинг ўқув-услубий таъминоти мақсадида яратилган қатор асар ва дарсликлар' соҳага бўлган қизиқишнинг янада ортиб бораётганлигидан далолат беради. Мустақиллик йилларида Россия империясининг истилоси ва унинг мустамлакачилик даври тарихини илмий ўрганишга бағишланган бир қатор докторлик ва номзодлик ишлари ҳимоя қилинган бўлсада^ илмий тадқиқотларда Бухоро амирлигида харбий иш мавзуси алоҳида ўрганилган эмас.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** «Архив ҳужжатларида Бухоро амирлиги мудофаа тизими тарихининг ўрганилиши» мавзуси олдига қўйилган мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Манғитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиш жараёнидаги харбий сиёсий ҳолатни ўрганиш;

Манғит амирларининг протекторат давригача бўлган мамлакат мудофааси, харбий соҳага оид амалга оширган ишларини таҳлил этиш;

' Рассудова Р. Я. Очерки организации ВоиcКав Бухарском и Кокандском ханствах (XIX .) Этнофаф№'еские аспекты традиционной военной организации народов Кавказа и Средней Азии. Выпуск 2. - М.: Институт этнофафии им. Н. Н. Миклухо-К4аклая. 1990. - С 3 1 - 48; Соколов Б. В. 100 великих войн. - М.: Вече, 2004. - С. 544; Шишов А. В. 100 великих военачальников. - М.: Вече, 2004. - С. 608. ^ Усманов Ф. Х., Курганбеков М. М., Угай Ч.Д. История войн и военного искусства. Книга 1. Древний мир, средние века и новое время. Учебник. - Ташкент: Академии ВС РУ. 2005. - С. 465.

Каранг: Абдурахимова Н. А. Колониальная систе.ма власти в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX в.в.). Автореферат дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент. 1994; Садыков Х. Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX века. Автореферат дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 1994; Худойкулов А. М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX- начало XX вв.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1995; Пардаев К. К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX-XXаср бошларида ижтимоий-сиёсий, иктисодий ва маданий ҳаёти. Таргос фан. Номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 2003; Одилов А. А. Бухоро амирлигида миллий-озодлик ҳаракатлари тарихи (Абдумалик Тура бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати мисолида). Тарих фан. номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 2003; Гаффаров Ш. - С. Переселенческая политика Российской империи в Туркестане (вторая половина XIX-начала XX веков). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент. 2003; Шу муаллиф. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кучирганлар. - Тошкент: Фан, 2006. - 224 б; Муродова Ш. XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон улкасидаги озодлик ҳаракатлари тарихи. (Самарқанд вилояти мисолида.) Тарих фан. номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 2004.

- Бухоро амирлигининг Россия империяси вассалига айланиши ҳамда совет армияси босқинига дучор бўлиш сабабларини ўрганиб чиқиш;

- Бухоро амирлигининг 1868-1917 йиллар ичидаги харбий-сиёсий ҳолатига умумий тавсиф бериш;

- амирликнинг 1918-1920 йиллардаги тарихини илмий тадқиқот кўзгусидан ўтказиш;

- Бухоро амирлигининг қўшини, таркибий тузилиши ва ундаги ўзгаришлар жараёнига илмий баҳо бериш;

- амирликдаги харбий унвон ва мансаблар, улар эгалари вазифаларини таҳлил қилиш;

- Бухоро амирлиги қўшинидаги курол-яроғлар, харбий жанговарлик ҳолати, қўшини ва бошқа жихатларига ҳолисона баҳо бериш;

- харбий хизматчиларнинг ҳаёти, моддий ва маиший турмуш тарзини ўрганиш;

- юқоридаги келтирилган барча фикрларни ўша даврда ҳукм сурган, билан (Қўқон, Хива хонликлари) таққослаш, қиёсий ўрганиш;

**Тадқиқотнинг даврий чегараси.** Тадқиқот мавзусининг даврий чегараси сифатида бутун бир мангитлар сулоласи ҳукмронлиги даври (1756- 1920) қамраб олинди. Муаллиф мангитлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги харбий иш ва қўшин аҳволини тадқиқ қилишда қуйидагиларга таянади:

- тарихдан маълумки, Бухоро 1756 йилдан амирлик деб юритилиб, бу давлат 1868 йилга қадар мустақил сиёсат юритган, сўнгра эса то 1917 йилга қадар Россия империяси вассалига айланган. Бухоро амирлигининг вассаллик даврида ҳам харбий соҳани ўзига хос ўрни бўлган. Тарихни ўрганишда қиёслаш, таққослаб хулоса чиқариш мақсадида бутун мангитлар сулоласи даври тадқиқот назаридан ўтказилади;

- тадқиқ этилаётган мавзуга оид асосий материаллар сифатида маҳаллий тарихчилар асарларидан фойдаланишга тўғри келди. Энг муҳим

- Манғитлар сулоласида Бухоро амирлиги тарихи гарчи XIX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг улар ҳаётида вассаллик даври бошланган бўлсада бизнингча, ҳарбий тарихий нуктаи-назаридан қаралганда яхлит тарихий давр ҳисобланади.

- Бухоро амирлиги 1756-1868 йилларда гарчи мустакил сиёсат юритган бўлсада, вассаллик даври шароитида унинг ҳарбий соҳада амалга оширган бир қатор ислохотларга қарамасдан шаклланган давридаги ўз анъанавийлигини сақлаб қолган.

### **Битирув малакавий итининг назарни методологик асослари.**

Тадқиқотнинг етакчи илмий концепцияси муаммога цивилизацион ёндашув эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мустакил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафқурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Бу янги илмий концепция халқнинг миллий кадриятлари, урф-одати ва турмуш тарзини, тўпланган билимлари ва ҳаётий фалсафаси билан уни бойитиб, ўрганилаётган муаммонинг барча қирраларини янгича баҳолаш мезони асосида ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқотда ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмий билишнинг холислик, тарихийлик, киёсий ва танқидий ўрганиш, тизимлилик тамойилларига амал қилинди. Тадқиқотнинг методологик асосини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида илгари сурилган услубий, илмий-назарий кўрсатмалари муҳим роль ўйнади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар. Биринчидан, Бухоро амирлигининг XVIII аср II ярми XX аср бошларида бўлган ҳарбий соҳадаги ҳолати, ҳарбий иш ва санъати тарихи, тарих фани тадқиқотларида шу пайтгача ўз аксини топмаган. Иккинчидан, XVIII аср - XX аср бошларида хонликлардаги ҳарбий иш тарихи киёсий такқосланмаган. Нашр этилган

баъзи тадқиқот ва мақолалар масала мохиятининг маълум кирраларини ёритган. Учинчидаи, <sup>4</sup>устақиллик йилларига келиб Республикада мудофаа борасида ҳарбий иш тарихини урганиш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг маъбавни асоси.** Илмий тадқиқот ишини ёзишда фойдаланилган манбавий асосларни куйидагилар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг И-126 фонди, яъни Бухоро амирлиги Қўшбегиси Концеляриясида сақланаётган ҳужжатлар мавзу тадқиқоти учун муҳим манба булиб хизмат килди. Мавжуд фонднинг 1505 - 1652 ишлари Бухоро амирлиги ҳарбий уивон ва мансаб эгалари, уларни тайинлаш, маош белгилаш, мансабдорлар номлари, 1519-1565 ишлари Бухоро амирлиги кушини таркиби масалалари, 1566-1601 ишлари кушинлар маоши, 1602-1612 ишлари ҳарбийлар казарма ва куналгалар, 1613-1615 ишлари армиями транспорт билан таъминлаш, 1616-1628 ишлари кўшин ичидаги касаллик, таътил бериш, сарбозларни бир ердан иккинчи жойга кучириш, сарбозликдан бушатиш ва янги қабул килиш масалалари, 1629- 1631 ишлари кушин сафдан кочиш (дезертирство), 1632-1637 ишлар амирликка тегишли ҳарбий гарнизонлар, 1640-1642 ишлари аскарларнинг шикоят ва аризалари, 1643-1652 ишлари эса амирлик ҳудудини куриклаш хизмати масалаларини уз ичига олган муҳим тарихий ҳужжатлар мажмуи ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви И-1- фонд (Туркистон генерал-губернаторлиги Махкамаси), И-2- фонд (генерал- губернатор дипломатик амалдори), И-3- фонд (Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги), И-715 фонд (Туркистон ўлкасининг босиб олиниши тарихига дойр ҳужжатлар) маълумотларидан ҳам фойдаланилди. Жуда ката ҳажми ташкил этган ушбу ҳужжатларни урганиш Бухоро амирлигининг сиёсий ҳарбий тарихини холисона тадқиқ этиш имконини беради.

Иккинчи гуруҳ манбаларига музей ашёлари ва уларнинг тавсифи киритилиб, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Қуролли Кучлар музейи, Бухоро Давлат музейи-

кўриқхоналарида сақланаётган мавзуга оид моддий ашёлар маълум даражада ўрганиб чиқилди.

XX асрнинг 30-40 йилларда Самарканд шаҳридаги Акмал Икромов номли Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейига раҳбарлик қилган М. С. Юсупов ўша даврда ҳаёт бўлган Бухоро амирлигининг собиқ ҳарбийлари, уларнинг фарзандлари ва қариялар кўмагида кенг кўламли илмий ишлар олиб бориб қимматли маълумотлар тўплаган.

Ҳозирги кунларда ана шу маълумотлар мазкур музей архивида сақланаётган 12 фондга тегишли 814 - 824 хужжатларини ташкил қилади ва тадқиқ этилаётган мавзу мазмунини ёритишда битирув малакавий иши муаллифига яқиндан ёрдам берди.

Айниқса, музей хужжатларида Солих Алоуддинов, Шукрулло Ғаниев, Мирзо Муҳаммад Мирзо Саидов, Усто Иброҳим Ҳафизов, Қори Аҳмад, Сайфуллобек Раҳматуллаев каби ўша даврда яшаб ўтган кишилар томонидан ёзиб қолдирилган далил ва рақамларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви манбаларининг маълумотлари билан тўғри келади ва улар бир-бирини тўлдиради.

Бундан ташқари, тадқиқотчи томонидан Бухоро вилоятида яшовчи ёши улур кишилар, фахрийлар суҳбатида бўлиб, бу учрашувларда илмий тадқиқот учун кизиқарли маълумотларни тўпланди. Суҳбатлар дала ёзувлари сифатида тадқиқотчининг қўлида сақланади.

А.Навоий номли Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат кутуб хонасининг нодир асарлар бўлимида сақланаётган газета ва журналлар, турли ҳажмдаги тўпламлар илмий иш манбавий асосини бойитишга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний

Самарканд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи архиви. Материали поармии Бухарского эмирата в конце XIX и начале XX вв. (Неопубликованная рукопись сборника). - Самарканд. 1940; Материалы по административному устройству и армии Бухарского эмирата в конце XIX и начале XX вв. - Самарканд. 1940; Материалы по финансовому устройству Бухарского эмирата и его бюджету в конце XIX и начале XX вв. - Самарканд. 1940; Отчет о работе над темой «Бухарский эмир как крупный феодал». ■ Самарканд, 1940.

номидаги шаркшунослик инстрггути кўлёмалар фондларида сақланаётган мавзуга дойр қимматли материаллар! битирув малакавий ишини замон талабалари даражасида тадқиқ этиш имконини берди.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Тадқиқ этилаётган битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, тадқиқотлар тобора барқарор булиб бораётган янгича методологик ёндашувлар асосида ва умуман, Ўзбекистон тарихида илк бор «Бухоро амирлигида қушин ва ҳарбий иш (1756-1920 йиллар)» мавзуси илмий тадқиқот иши сифатида юзага келди. Тадқиқот мазкур ишнинг бажарилиши туфайли илмий истеъмолга киритилмаган купгина форсий ва араб имлосидаги ҳужжатли-ахборотлар материалларга ишлов берилди ҳамда илмий муомалага киритилди.

**Битирув малакавий иши ишининг амалий аҳамияти.** Тадқиқ этилган мавзу натижалари ва хулосалари урта мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, Олий ўқув юрти талабалари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ўқув масканлари тингловчилари учун мамлакат ҳарбий тарихига оид муҳим қўллаималар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. **Иккинчидаи**, битирув малакавий ишида баён этилган ва таърифлаб берилган хулосалар Ўзбекистон тарихининг тадқиқ этилаётган даври бўйича маърузалар қурени ўқишда, умумлаштирувчи илмий асарлар, дарслик ва қўлланмаларда ҳам фойдаланиш мумкин. **Учинчидаи** миллий истиклол гоъларини халқимиз онгига сингдириш жараёнида ёшларни тарих билан қуроллантириш, маънавий етук инсон бўлиб шаклланишида фойдаланиш мумкин. **Туртинчидаи** тарихни Ватанимиз тарихини ўрганишда архив ҳужжатларининг ўрнининг муҳимлиги ёритилади.

**Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши:** Битирув малакавий иши қириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

## **I БОБ.**

### **АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚЎШИИ ТУЗИЛИШИ, ҲАРБИЙ УНВОН ВА МАНСАБЛАР ТАВСИФИ**

#### **1.1. 1868-1920 йилларда амрликнинг сиёсий ва харбий аҳвол**

Ўрта Осиёнинг уч хоёликка бўлинганлиги, улар уртасидаги зиддиятли муносабатлар мустақил давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлашувига олиб келди. XVIII - XIX асрларда Бухоро амирлиги узининг худудий ўрни, аҳолиси ва табиий ресурслари жиҳатдан узига хос мавқега эга эди. XIX асрга келиб, Бухоро амирлигининг чегаралари жанубда Амударёнинг сул қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача чузилиб козок жузлари билан чегарадош эди.

Амирлик Шарқда Помир тоғларидан, Ғарбда Хива хонлиги чегараларигача булган худудни эгаллаб турарди. Бухоро ва Самарканд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланган. Қашқадарё ва Сурхандарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон худудидаги Вахш, Кофарниҳон, Панж дарёлари водийсида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, шунингдек, Туркманистон худудига кирган Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар ҳам Бухоро амирлигига қараршли булган. Бухоро шаҳри амирлигининг пойтахти шарқда энг машхур шаҳар сифатида эътироф этилган. Йирик шаҳарлардан Самарканд, Қарши, Шахрисабз, Китоб, Ғузор, Термиз, Шеробод, Ҳисор, Душанбе, Кулоб ва бошқалар амирликнинг йирик шаҳарлари ва аҳоли марказлари ҳисобланган. Марв шаҳри учун Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги уртасида, Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги уртасида тез - тез урушлар бўлар, бу шаҳарлар кўлдан - кўлга 5'тиб турарди. Хонликлардаги айрим худудлар марказий ҳокимиятга бўйсунмас, мустақил сиёсат олиб

боришга интилар эди. Улар каторига Ҳисор, Шаҳрисабз, Ўратепа, Хўжанд, Панжикент, Қоратегин, Дарвоз, Рушон, Шуғнон ва бошқа ҳудудлар киреди'.

XVIII асрдаги парокандалик, уч хонликдаги ўзаро низолар ва маҳаллийчилик юртимизни жаҳонгир давлатлар исканжасига солди. Боскинлар учун қулай замин яратди. Натижада XIX асрнинг II ярмида Россия империяси Туркистон халқларини асоратга солди. У ўлкани сиёсий -ҳудудий жиҳатдан забт этибгина қолмай, балки эркесвар, захматқаш халқини маънавий - руҳий бўйсундиришга ҳам аҳд қилди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, ижтимоий-сиёсий ва маънавий йўналишларда ҳам миллий ўзликчимизни англаш, давлатчилигимиз тарихининг номаълум саҳифаларини қайтадан ёнгириш, асоссиз равишда унутилган давлат арбобларимиз ҳамда мутафаккирларимизнинг бой илмий-иждоий ҳаётини ёритиш билан боғлиқ изланишларга ҳам кенг йўл очилди. Шу жиҳатдан олганда, миллий давлатчилигимиз силсиласида алоҳида ўрин тутадиган Бухоро амирлиги даврини ҳолисона ва объектив тарзда ўрганиш борасида ҳам муайян тадқиқотлар амалга оширилмоқда".

Тарихий тараққиётнинг муайян босқичида ҳокимият тепасига объектив ва субъектив шарт-шароитлар натижасида турли кучларнинг қелиши, ўз

Исмоилова Б. Бухарский эмират при эмире Хайдаре. Худжанд. 2000. - С. 9.

Қаранг: Азизхужаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. - Тошкент: Шарк. 1997. - 112 б; Зиё Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). - Тошкент: 11.1арк, 2001. 386 б; Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. - Тошкент: Адолат. 2004. - 280 б; Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари. Иккинчи китоб М.М.Файзиев. З.Муқимов. Х.Г.Одилқориев ва бошқ; Бош муҳаррир Р.Рузиев. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2005. - 152 б; Саидов Л.Х., Тошқулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи. - Тошкент: ИИВ Академияси. 1995. 232 б; Тошқулов Ж. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан. - Тошкент: Ўзбекистон. 1996. - 128 б; Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти ' Сағдуллаев А., Маннонов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. - Тошкент: Академия. 2000. - 271 б; Ҳамидова В.А. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 192 б; Мухитдинова Ф.А., Шарипов Р.Х. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи. - Тошкент: ГДЮИ. 2004. - 295 б; Шарипов Р. Жаҳид адабиётида янгиликлар. ислохот ва мустақиллик учун кураш. -Тошкент: ТДЮИ. 2005. - 188 б; Эргашева М.З. Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари: Юрид. фанлари номзоди... дисс. автореф. - Тошкент: ТДЮИ. 2002. - 23 б; Лунев Ю.Ф. Государство и право узбекских ханств с XVI по XIX века. - М.: Аст. 2004. - 216 с; Маннонов Б. Бухорода ислохот лойиҳаси (1918 йил): Ёш бухороликлар қўлланмаси тайёрлаган. - Тошкент: Ўз.Р. ФААК, 2005. - 56 б; 5.8.Эргашев Б.Х. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма: Дисс... д-ра филос. наук. - Бухара: 1993. - 316 с. ва бошқ.

навбатида, жамият ҳаётида кескин ўзгаришларни рўй оеришига ҳамда муайян ислохотларни амалга ошишига олиб келади. Бинобарин, Бухоро давлатида ҳам ҲОКИМИЯТНИНГ аштархонийлар сулоласидан манғитлар вакиллари кулига ўтиши маълум бир омилларнинг таъсири остида руй берган. Бухоро давлатчилиги тарихида содир булган ушбу жараёнларнинг мазмун ва моҳиятиниурганишда илмий жамоатчилик уртасида турли хил ёндашувлар илгари сурилади.

Агар Бухоро амирлиги давлатчилиги тараккиётини ушбу нуктаи назардан қарайдиган булсак, уни куйидаги икки босқич доирасида урганиш мақсадга мувофиқдир:

**Биринчи босқич**- дастлабки турт мангит хукмдорлари (Мухаммад Раҳим, Мухаммад Дониёлбий, ак4ир Шохмурод, амир Ҳайдар)нинг давлатни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маданий-маърифий соҳадаги фаолиятлари даврини 5'з ичига олади. Бухоро амирлиги тараккиётининг ушбу босқичини сиёсий-ҳуқуқий, диний, маданий ҳаёт, ташки дипломатия ва ташки савдо масалаларида ижобий натижаларга эришилган давр сифатида эътироф этиш мумкин.

Мангитлар сулоласининг асосчиси **Мухаммад Раҳим** (1747-1759) уз хукмронлигини дастлаб, мамлакатни мустахкамлаш ҳамда давлат учун муҳим булган мустакил ёки ярим мустакил ҳолатга келиб колган маъмурий- ҳудудий бирликларни қайта бирлаштиришга ҳаракат қилишдан бошлаган<sup>1</sup>.

Ўз навбатида, Мухаммад Раҳим давлатни мустахкамлаш ва маъмурий- ҳудудий бирликларни бирлаштириш йулида ташки сиёсий тусикларга дуч келган. Маҳаллий тарихнавислар Мухаммад Шариф ва Хумулийларнинг гувоҳлик беришича, афгон саркардаси Ахмадшоҳ Дурроний Бургут ва Миёнкол ҳудудларида кечган сиёсий галаёнларнинг юзага келишига сабабчи булган ва маҳаллий аҳолини Мухаммад Раҳим кушинига қарши курашда четдан туриб куллаб-қувватлаб турган. Мухаммад Раҳим Бухоро амирлари

<sup>1</sup> Замонов А. XVIII-XIX аср урталарида Бухоро амрлигининг қушин тузилпи ва харбий бошқаруви." Ўзбекистон тарихи, 2014 № К 3 1-бет.

орасида мамлакатнинг барча ҳудудида муайян даражада тинчликини сақлай олган, давлатнинг чегараларини мустаҳкамлаган ҳамда ташки душманлардан ҳимоякилган ягона давлат бошлиғидир. Давлатни каттиққуллик асосида бошқариш, унга исёнчилар билан булган тўқнашувда ғалабага эришиш ҳамда Ҳисор ва Шаҳрисабз бекликларини амирлик тасарруфига тўлик ўтказиш имконини туғдиради. Уз навбатида, у мамлакатни бирлаштиришда муайян даражада тўсиқ бўлиб турган Афғоистон давлати билан сулҳ шартномасини (1750ЙИЛ) имзолашга эришади'.

Мангитлар сулоласининг кейинги вакили **Мухаммад Дониёлбий** (1759-1785) Мухаммад Раҳим даврида унинг сиёсий ва иктисодий масалалар бўйича ёрдамчиси ва маслаҳатчиси лавозимида фаолият юритган. У давлат тепасига келиши билан олдиндан мангитларга қарши бўлиб келган ўзга уруғлар томонидан турли ғалаёнлар келиб чиққан. Ғалаёнчилар Мухаммад 'Дониёлбийнинг ҳукмдорлиги легитим (қонуний) эмаслигини рўқач қилиб, ҳокимият тепасига чинғизий(аштархонийлар)лар келишини талаб қиладилар. Амирликка қаршли бўлган Шаҳрисабз, Миёнқол ва Қарши бекликларида яна мустақиллик учун кураш авж олиб кетади. Мухаммад Дониёлбий биринчи навбатда давлатда тартибсизликларни бартараф этишга ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга эътибор қаратган. Иккинчи ўринда у нафақат Бухоро шаҳри балки амирлик таркибига кирувчи барча бекликларда савдо-сотик, ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳамда фуқароларга тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаб беришга муяссар бўлган^.

Мухаммад Дониёлбий вафотидан кейин унинг ўғли **Шоҳмурод** давлатни бошқариш ваколатини қўлга киритади. У Мухаммад Дониёлбий даврида Кармана, Қарши бекликларини бошқаради ва маълум вақт давомида давлатдаги энг олий мансаблардан бири бўлмиш кушбеги лавозимида фаолият юритади. "Бошданок у мамлакатда каттиқ тартиб ўрнатишга

<sup>1</sup> Қаранг: Мухаммад Шариф. Тож ут-таворих: Қўлёзма Ўз ФА ШИ. инв. Л'?' 9265.

" Замонов А. XVIII-XIX аср урталарда Бухоро амрлигининг қушин тхзплиш ва харбий бошқарувм."

Ўзбекистон тарихи. 2014 №1. 37-бет.

киришиб, ишни сулола мавқеии расмий жиҳатдан \4устаҳкамлашдан бошлайди. Яъни сохта хонлик анъанасига чек куйиб, тахтга расман узи чикади, лекин хон эмас, амир унвони билан''''.

Шоҳмурод давлат бошлиғи - амир унвонини таъсис этар экан, ушбу унвоннинг узбек на мўғул уруғлари айъаналари билан эмас, балки шариат коидалари асосида юзага келганини асослаб беради. Амир Шоҳмуродни уз навбатида мелом фикҳшунослиги мураббийси еифатида хам эътироф этиш мумкин. Амир Шоҳмуроддан сунтн^ давлатни бошқариш унинг угли Қарши беклигининг ҳокими**амир Ҳапдар**кулига утади. Амир Ҳайдар давлатни бошқариш масаласида отаси амир Шоҳмурод сиёсатининг изчил давомчиси эди. Ушбу холат айникса, унинг уламоларга муносабати ва ташки сиёсатни изчиллик билан давом эттиришида куринади. Амир Ҳайдар уз ҳукмронлиги даврида асосан ички душманларга карши кураш олиб боради. Шахрисабз, Самарканд, Ургут бекликларида булиб утган галаёнлар, Марв воҳаси учун Хива хони Муҳаммад Раҳимхон билан олиб борилган урушлар Амир Ҳайдарни давлатда ҳарбий-сиёсий ислохотлар ўтказишга мажбур килди. 1850 йилда Балх воҳаси кулга киритди, Маймана, Бадахшон ва Қундуз вилоятлари амирлик худудига кушиб олиндиЛ

Амир Ҳайдар бошка мангит хукмдорларидан фаркли равишда уз қўшинидаги аекарларга мунтазам равишда яхши маош тулаб борган.

Бухоро амирлиги давлатчилиги ривожланишининг **иккинчи босқичи** 1826-1920 йилларни уз ичига олади. Ушбу даврда давлатда мангит сулолаеидан амир Насрулло, амир Музаффар, амир Абдулахад, амир Олимхонлар ҳукмронлик килганлар.

Амир Наерулло ҳокимият тепасига отаси амир Ҳайдарнинг улимидан сунг олти ой утгандан сунг келган. У миллий давлатчилик тарихида кучли, жасур хамда каттиккул давлат бошлиғи еифатида жой олган.

' Зиё Азамат. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: ШЖарК. 2000. - Б.28 1.

" Ходжаева Б. О взаимоотношениях Бухарского ханства с Афганистаном а первой четверти XIX в. (По письмам эмира Хапдара) // Общественные на\ ки в Узбекистане. - Ташкент. 1990. - № 7. - С.54.

Тарихчи ва саёҳатчиларнинг маълумотларига Караганда, амир Насрулло ҳукмдор сифатида давлатнинг ички ва ташқи душманларига ҳақиқий зарбани берди'. Амир Насрулло томонида олиб борилган ҳарбий-сиёсий ислохотлар натижасида давлатнинг ҳарбий қудрати мустаҳкамлана борган. Олиб борилган тинимсиз урушлар баробарида Қўқон хонлиги (1842й) ҳамда Шаҳрисабз (1856й) беклиги эгалланади\

Амир Насруллодан кейин давлатни бошқарган манғитсулоласи вакилларида амир Музаффар, амир Абдулаҳад, амир Олимхонлар даври миллий давлатчилик тарихида кам урганган давр булиб, тегишли манбаларда ушбу ҳукмдорларга нисбатан деярли ижобий баҳо берилмаган. Истиқлол шарофати ила миллий давлатчилик манбаларини тадқиқ этиш жараёнида юқорида номлари зикр этилган ҳукмдорлар томонидан ҳам муайян даражада ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қилинганлигига гувоҳ буламиз.

Бухоро амирлигининг сунгги ҳукмдори амир Сайд Олимхон ҳукмронлиги даври адабиётларда салбий жиҳатдан ёритилган". Амир Сайд Олимхон томонидан давлатни бошқариш масаласида олиб борилган сиёсатнинг асосий эътиборли жиҳати шуки, Бухоро амирлиги таркибига кирувчи беклик(вилоят)лар бошликлари ушбу даврга келиб сайлаш усули орқали ўз ваколатини амалга оширар эдилар.

Амир Сайд Олимхон ҳукмронлиги даврида "Ёш бухороликлар"нинг талаблари асосида бир қатор ислохотлар амалга оширилиши мулжалланган эди. Бу ислохотлар орасида ҳарбийларнинг моддий таъминоти масаласи ҳам алоҳида урин олган. Бу ҳақида тадқиқот ишнининг учинчи бобида алоҳида қайд этилади. Жумладан:

' Бартольд. В.В. Узбекские ханства " Сочинения. Т.2. 4 1 , - К4.: Наука. 1963. - С. 166; Ханьков И.В. Описание Бухарского ханства. - СПб.: "Типография И.мператорской Акаде.\ип1 Наук". 1843. - С.228-233. " Қаранг: Бартольд. В.В. Узбекские ханства Сочинения. Г.2. 4 1,- М.: Наука, 1963. -С. 166.

Қаранг: Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. - Тошкент: Минтож. 1991. Б.64; Фитрат А. Рассказы индийского путешественника Звезда Востока. - Ташкент. 1990. - №7. - С. 131; Айни С. Бухара. (Воспоминания). / Пер. с тадж. С.Бородина. - Душанбе: Ирфон. 1980. - 260 с; Айни С. Таърихи инқилоби Бухоро. - Душанбе: Ирфон. 1987. - 240 с; Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX - начале XX вв. - Ташкент; Узбекистан. 1991. 218 с; ва бошқ.

маҳаллий солиқлар 10 фоизгача қисқартирилган;

ҳарбийлар ойлик ҳақи оширилган (пиёда хизматчиларга ойида 3-9 рублгача, отлик қўшинларга 6-20 рублгача);

ёши улуғ бўлган ҳарбий хизматдан озод этилган кишиларга ойида 3 рублгача нафақа тайинланган;

Шу билан бирга, Саид Олимхоннинг давлат бошқарувида иқтисодий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратган ва бир қатор ютуқларга эришган амир сифатида баҳолаш мумкин. Ф.Хўжаевнинг маълумотларига Қараганда, амирликда бир қатор ҳиссадорлик жамиятлари, банклар, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган. Олинган даромадлар темир йўл, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига ажратилган<sup>1</sup>.

XVIII аср ўрталарига келиб Манғитлар томонидан асос солинган Бухоро амирлиги дастлатки ҳукмдорлар даврида амирликда кескин қабилавий, ҳудудий ва этник низолар, хонликлар }фтасидаги ўзаро урушлар сиёсий парокандаликни келтириб чиқарди. Амир Ҳайдар даврида йирик марказлашган давлатни шакллантириш, мунтазам қўшин ташкил этиш мақсадида муҳим ислохотлар бошланди. Манғит ҳукмдорларидан амир Насрулло ҳукмронлиги даврига келиб мамлакатда бироз сиёсий барқарорликка эришилди. Дастлабки мунтазам қўшинга асос солинди

## **1. 2. Бухоро амирлигида қўшин тузилити**

Бухоро амирлиги ташкил этилгандан то тугатилишига қадар амирликдаги қўшин қай тарзда ташкил этилганлиги, аскарлик таркибига қабул қилиш қонун - қоидалари, жангчиларнинг ёши, кийимлари, ҳарбий ўқув машғулотлари, амирлик ҳудудида қўшиннинг тақсимланиши ва жойлаштирилиши, протекторат давридаги ҳарбий ислохотлар ва янги типдаги ҳарбий бўлинмаларнинг ташкил этилиши ва шунга ўхшаш бир қатор масалалар доим кун тартибига қўйилган эди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ходжаев Ф. Избранные труды. Т. 1Ташкент: Фан УзССР. 1970. - С.2 10-2 12.

Манғитлар сулоласи ҳокимият тепасига келган дастлабки йилларда амирлик ўзининг мунтазам кўшинига эга эмас эди. Амирликда мавжуд бўлган<sup>03</sup>сонли ҳарбийларнинг асосий вазифаси амир ва унинг аъёнларини кўриклаш ҳамда шаҳар осойишталигини таъминлашдан иборат бўлган.

Уруш вақтларида амир буйруғи билан халк лашкарлари тўпланиб ҳарбий ҳаракатларига жалб этилган. Бухоро амирлигида кўшин тузишига келсак, Темурийлар салтанати парчалангандан то XIX асрнинг биринчи чорагига қадар бу масалада деярли катта ўзгаришлар кузатилмайди.<sup>1</sup> Амир Шохмурод ҳукмронлиги даврида кўшин икки қанотдан иборат бўлган. Сўл қанотда манғит, кенегас, кeroит, дўрман, кўнғирот, қиёт, киргиз, хитой, қипчоқ, ўтажи, туркман, арлот, калмок, уйғур, мўнғул, қори, ҳофиз, ўғлонлардан тузилган дасталар ташкил этган<sup>^</sup>.

Чап қанотда катоғон, сарой, ябғу/ябғу, баҳрин, жалоир, канғли, юз, минғ, наймон,<sup>1</sup> қарлук, беркут, кўрчи, аргуи, оғлон, каллик, фулодчи, кирк, олчин, можар, чиг1бой, бедойил, ас, жибирғин, килғий, тимой, масид, тар, боғлон, иложи, туғут ва шогирдпеша гурухлари жойлашган<sup>1</sup>. Таъкидлаш жоизки, сарбозликка қабул қилинаётган юқорида айтиб ўтилган уруғ- аймоқлардан қайси бирига тегишлилигига қараб мазкур гуруҳагина қабул қилиниб, улар аралаштириб юборилмаган. Буидай уруғларга қараб кўшин тузиш ўша даврда ҳукм сурган Хива ва Қўқон хонлиқларида ҳам мавжуд эди. Масалан, Хива хонлиғида Баёнийнинг маълумотича, ҳарбий ҳаракатлар вақтида (1265) (1848-1849) йили Муҳаммад Аминхон навкарларининг рўйхатини тузишга буюрилиб фармон берилганда, хонлик кўшини қуйидагича кўриниш олган: Пахловон ота, Элтузархон, Муҳаммад Раҳимхон ва ҳоказолар асосий туғини кўтариб бориб, бундан ташқари, кўнғиротликлар туғини Қутлимурод бий саркардалиғидаги 600 кўнғиротлик навкарлар, каракалпоқлар туғини Тўра ва Солиҳ оталик саркардалар бошлик 2 минг

<sup>1</sup> Арендаренко Г. Бухарские войска в 1880 г.//Туркестанский сборник. 297 том. - С. 129.

<sup>^</sup> Замонов А. XVIII-XIXаср урталарида Бухоро амирлигининг қушин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви.// Ўзбекистон тарихи, 2014 №1, 38-бет.

<sup>1</sup> Воҳидов Ш. Бухоро давлатининг бошқарув тизи.ми (.манғитлар даври). Б. 27-28.

навкар, ёвмутлар туғини Аҳматуллоҳ ясовулбоши саркардалигида, 2 пwhфотлик йимралилар туғини Худоёр саркардалигида 2 минг отлик, чавдирлар туғини Муҳаммад Мурод бий саркардалигида минг отлик, сакирлар туғини Эрниеъ маҳрам саркардалигида, 6 минг отлик, туячи туғини Оллош бий угли Оллоёрбек саркардалигида 650 нафар, мангит туғини Бекманбий саркардалигида 300 отлик, кипчоклар туғини Х5'жа Ниёзбий саркардалигида 300 отлик ва ҳоказо шунга ухшаш - 25 гуруҳ туғи кутариб борилган'. Демак, XIX асрнинг бошларига қадар хонликларда қушин тузишда уруғ - қабилчилик анъаналари етакчилик қилиб келган. Мангитлар сулоласи ҳукмронлигида амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврига (1800-1826) қелиб дастлабки туб ўзгаришлар рўй бериб, яъни маълум маънода мунтазам армия ташкил этилди, дейишга асос бор". Бирок, баъзи тарихчилар бу фикрга тўла қўшилмайдилар.

Бухоро амирлигида армия ва ҳарбий ишларни ташкиллаштиришни икки босқичга бўлади ва I босқични XIX аср бошларидан XIX асрнинг 30 - йилларигача, яъни амир Ҳайдар даврида ҳисоблаб, бу даврни гиу соҳага дастлабки асос қўйилганлиги, тўла мунтазам армияни ташкил этилганлигини эса II босқичда амир Насрулло даврига (1827-1860 йй) тўғри қелиб то 1837 йилда охирига етказди, дейди"\ Амирликнинг доимий армиясининг ташкил этишга сабаблардан бири бу тўхтовсиз давом этган ҳарбий ҳаракатлар, ташқи хавф хатар ва ички низолар бўлган.

Аслида **амир Ҳайдар** даврида мунтазам армия ташкил этишга тўлаэришилмади. Чунки меросхўрлар ўртасида ҳокимият учун ўзаро қурашлар, ички низолар, бўйсунмас амалдорларни жиловлаш бу иш йўлида қата тўсқинлик қилди. Амир Ҳайдар ўз доимий армиясини Қаршида тузишга ҳаракат қилди, чунки бу ердаги ҳарбий гарнизон энг қучли эди. У ташкил этган қўшинда зобит ва ҳарбий бошлиқлар саркарда мақомига эга бўлиб, давлат хазинасидан маош олар эдилар. Ойлик маошлар қисман нул, қолган

' Баёний. Шажараи Хоразмшохий. 334-варак.

' Андреев М. е., Чехович О.Д. Арк Бухары. - Душанбе. 1972.-С. 136.

^ Исмоилова Б. Қурсатилган асари. - Б. 36.

қисми эса натурал тарзда тўланар эди. Панжсад боши ўзининг белгисига - байроғига эга бўлган'.

Мингбошининг ёнида доимо бундан катгарок байрок бўлар эди ва бу «туғ» деб юритилган. Бундай байрокка минг кишилик гуруҳ ҳақли бўлиб, унинг бошлиғи ҳурматли саналар, арк дарвозасидан отда 5'тишга ҳақлр^, бошқа зобитлар эса пиёда кирар эдилар". Амирлик артиллерияси Эронда ишлаб чиқарилган бир неча тўплардан ташкил этилган бўлиб, уларнинг уч - тўрттаси лафет (темир суянчик)га эга эди. Қўшин асосан маҳаллий аҳоли вакиллари билан иборат бўлиб ҳеч қандай ҳарбий тартибларга риоя этмас эди. Қўшиннинг катта қисми Қаршидан шарқда Шаҳрисабз кенегасларидан ҳимояланиш мақсадида сақланарди. Қарши шаҳри девор билан ўралган бўлиб, ичкарида кўрғон мавжуд эди. Вилоятда эса ўнлаб кўрғонлар бўлган. Мавжуд Гурдшоб, Карки, Шеробод ва бошқа бир қанча кўрғонлар лойтупроқ деворлар билан ўралган, ичкарида - кўхандиз (цитадель) - калъа бўларди. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида аҳоли ҳимояланиш учун кўрғонга тўпланишиб туришган, гарнизонларда 10 тадан 200 тагача аскарлар сақланган.

**Амир Ҳайдар** Бухорога келгач, Ҳақимбийга кўрғон ва калъаларни доим бекам - кўст саклаш, деворларни етти метргача етказиш, Наврўз кунлари хавфсизлик чораларини кучайтириш, кўрғон бурчакларида яшаш хоналарини куришга буйрук бериб хатлар ёзган.

Қарши вилоятида ҳарбий қисмлар қуйидагича шакллантирилган: 500, Сарой уруғидан 100 нафар, аскарликка, 400 киши қорачириқ ишлар учун, аймақ жамоаси 300 киши, араб, ўз қавмларидан 20 кишидан, қўшчилар - 50, қатағон - 6, арлот - 10, яғду - 20, дўрмон - 4, па?1жобий - 20, қорлуклар - 15, хитойликлар фақат шогирдпешаликка - 13 киши, сироблар - 12 киши доимий хизматда бўлишлари шарт эди'.

' Замонов А. XVIII-XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигининг қўшин тхзилши ва ҳарбий бошқаруви. Ўзбекистон тарихи. 2014 №1. 36-бет. " Ўша жойда. 38. Ўша жойда. 37.

Бухоро амирлиги қўшинидаги дасталарда аскарлар сони бир хилда бўлмаган. Ҳар қайси уруғ ва ҳудуд мавжуд имкониятлардан келиб чикиб ёки амирликдаги нуфузига караб қўшин сони белгиланган. Бундан ташқари, қўшин таркибида турли давлатлар фуқаролари ҳисобланган ҳарбий асирлар, куллар ва бошқа тоифа вакиллари ҳам мавжуд эди.

**Амир Насрулло**(1827-1860) даврида қўшин тузилиши қуйидагича кўриниш олган эди:

Ҳарбий асирлардан иборат 80 кишилик гуруҳ, 700 кишилик ҳарбий бўлинма, улар 7 дастага бўлиниб бошида эллик боши, бу гуруҳ ҳам ўнликларга бўлиниб, даҳбоши бошқарган ва юзбошига ёрдамчи ҳарбий мансабдор ҳисобланган'. Насрулло манғит амирлари ичида биринчи бор пиёда сарбозлар таркибидан тўпчилардан иборат доимий ҳарбий бўлинмага асос солди. Амир Насрулло ташкил этган тўпчилар таркибида 14 барабанчи, 14 найчилардан иборат мусикачилар гуруҳи мавжуд бўлиб, ҳар бир юзликда иккита турк намунасидаги барабанчи, 4 та сурнайчи, 6 та трубачи фаолият кўрсатган<sup>1</sup>. Шундай бўлсада, амир Насрулло даврида доимий қўшин сони манбаларда турлича келтирилади.

Қўшиннинг асосий таркибини асосан сарбозлар ташкил этиб, уларнинг сони 1868 - 1873 йилги Бухоро - Россия битимида кўра 12 мингдан ошмаслиги керак эди.

**Амир Музаффархон** давридан бошлаб сарбозлар икки гуруҳга бўлинган:

1. Шанбеги сарбозлар - бу гуруҳ сарбозлари ҳафтанинг шанба ва якшанба, душанба кунлари ҳарбий машғулотларга катнашган.

2. Сешанбеги сарбозлар - бу гуруҳ сарбозлар сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ҳарбий машғулотларга катнашган. 12 минг кишилик сарбозларнинг 6 минги «Сешанбеги», яъни 6 минги эса «Шанбеги» деб номланган. Ҳар минг кишилик сарбозлар гуруҳи дасталарга бўлиниб,

Троицкая А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века. - Душанбе. 1953. - С. 213.

<sup>1</sup> Троицкая А.Л. Указ.соч. - С. 213.

саркардалар бошқарган. Ҳар бир дасталар ҳам уз навбатида 5 та «Байдоқда» бўлиниб ҳар бир байдоққа 200 тадан сарбозлар хизматда бўлишган. Байдоқлар 2 та юзага (юз/юзабоши бошқарган) 4 та 50 кишилиқ гуруҳга (панжохбоши бошқарган) бу гуруҳ эса даҳбоши бошқарувида булган 5 тадан ҳарбий булинма бараларга булинган". Қўшин сафига қабул қилиш қоидалари деярли бутун сулола ҳукмронлиги мобайнида уз анъанавийлигини сақлаб келган. XX аср бошлари, аниқроғи 1905-1920 йилларда янги типдаги ҳарбий қисмларнинг ташкил этилганлиги боне бу анъана бироз бузилган. Қўшин таркибига қабул қилишнинг турли томонларини кўриб чиқадиган бўлсак, авваламбор жинойтчи, ўғри, маҳкумлар ота-оналар ўз фарзандлари устидан шикоятлари учун, қочоқлар эвазига уларнинг қафилликлари ҳисобидан сарбозлар қабул қилинганлини айтиб ўтиш лозим.

Ҳарбий мансабдорларнинг Бухорога ёзган хатида хусусан шундай дейилади: - «Ҳазратимнинг азиз бошларига юз мин г марта тасаддук бўлай! Нодон ва ризоталаб қулингиз Қирғизойим гузаридан Абдулжалилни - яъни олий зиндонга қамалган маҳбусни Мохончи ҳамроҳлигида Балжувон вилоятидаги шох Абдушукур мирохурнинг ҳузурига сарбозлик хизматиға юбордим»"

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви Қўшбеги Канцеляриясида (И-126 фонд) сақланаётган юзлаб ҳужжатларни ўрганар эканмиз, зиндонбанд этилганлардан ҳам ҳарбий хизмат сафига қабул қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳужжатларнинг бирида: - «Ҳазрати Саййидимнинг муборак бошларига тасаддук бўлай! Ҳазрати амири ғуфроннишон даврларида Носирхон, афғон ясовули, олий зиндонга қамалган эди. Олий фармойишга биноан Чоржўйга келиб сарбозлар сафига кўшилди.

Бу суз аслида «пиеда» деган суздан олинган булиб, араблар томонидан Моваро\нна\р босиб олинган ҳарбий истилох сифатда «байдоқ» ва «биезак» шаклида фолклорда бошланди. Бу термин биринчи марта Жамол Каршийнинг «Мулҳакот би-с-Сурах» асарида учрайди. Қаранг: История Казахстана в персидских источниках. Жамал ал-Карши. У1\лхакат би-с-Сурах». (Прибавление к словарью ас-с\рах). 1 том. Введение, переводе арабско-персидского. комментарии Л11. Х. Вохидова. Б. -- Б. Аминова. - Алматы: Дайк-Пресс. 200.Г -С. 32.

" Самарканд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат м\зейи архиви. -- -Ve814 ҳужжат. 4 варак.

ЎзР МДА. И-126 фонд. 1-руйхат. 1527 иш. 1 - варак. Ш\ндай маз.мундаги аризалар мазкур фонднинг. 1 руйхат 1528. 1529. 1530. 1531 ишларида ҳам кузга ташланади.

Ҳар йили у 50 ман' ғалла олиб хурсандчилигидан жаноб олийлари ҳақларига дуо қилмоқда. Унинг кўчи Бухорои Шарифга қолган. Мазкур қулингиз, Қоровулбеги жаноб олий ҳазратимни бениҳоя дуо қилиб бандалик арзимни билдираманки, Олий давлатхонанинг қули б>/ламан. Қулингиз Бухорои Шарифга бориб навқарларингиз сафида хизмат қилиб, ахлу аёли билан биргаликда зоти Олийни дуо қиламиз деб умид қиляпти. Мен бир ожиз нотавон қулингиз шу сабабдан олий марҳаматингиз ва розилигингиз не тариқа бўлади деган андиша арзини билдирдим», - дейилган. Ушбу маълумотдан кўринадики, сарбозларнинг бир қисми Қ4аҳбуслардан ташкил этилган. Сарбозликка қабул қилинганлар таркибини ўрганишда яна қуйидаги ҳужжатларга дуч келиш мумкин:

«Ҳазратимининг муборак бошларига тасаддук бўлай. Пардалик навқариясидаги Имомназарбек эшоноғабоши қулингиздан. Бир қоровулбеги қулингиз қариб қолганлиги сабабли хизматнинг уддасидан чиқмаётир. Олий марҳаматингизни дариг тутмай ўрнига Мулло Бобо исмли ўғлимни киритасиз деб умид қиламан. Олий ижозатингиз билан унинг ўғлини мирзабошилар навқарияси сафиға кўшаман»'. Манбаларда эътироф этилишича, сарбозликка қабул қилинаётган пайтда унга бир кишидан 3 кишигача қафил бўлган, мабодо аскар хизматдан қочса, то топилгунга қадар унинг қафиллари ҳарбий хизматга жалб этилган: «Мирбий парвоначи қулингиз Тўпчи қулларингиз ва иккита сарбозларнинг қўшини, яъни Бухорои Шарифда хизматда бўлганлар 30 нафарни ташкил этади. Улардан 8 нафар сарбоз қочиб кетган. Шунини юзбошиға маълум қилдик. Агар қочганларни топа олмасалар, уларни қариндошларидан қафилларини кўлга олишға буюрдик. Ўшаларни қўшинни таркибиға киритамиз. Ҳижрий 1326 (1908-09 йили)'^). Аксарият ҳолларда сарбозликка қабул қилинадиған вақтда унга учта қафил тайинланилган. Бу ҳужжат қози иштирокида расмийлаштирилиб муҳр босилган. Хизматдан

' Бу даврда 1 Бухоро мани 2 п\д, 1 пуд эса 16 кг. га тенг бу.и'ан. " ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-рўй.хат. 1527 иш. 2-варак. ' ЎзР Қ4ДА. И-126 фонд. 1-рўйхат. 1625 иш. 7-варак. ЎзР МДА. И-126 фонд. 1-рўйхат. 1629 иш. 9-варак.

қочгаи сарбозлар ўрнига уч кафилнинг хизматга жалб этилиши куйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин эди:

- қўшин таркибида тартиб интизомни сақлаб туриш;

- қўшиндан қочган, кафилсиз ва бедарак йўқолган сарбозлар ўрнини тўлдириш;

- мамлакатда ватанпарварлик руҳининг пасайиб кетганлиги, ҳарбий хизматни шараф эмас, балки, давлат мажбурияти деб билиш;

- ҳарбий хизматнинг оғирлиги;

- ҳарбий хизматнинг обрў ва эътибори йўқлиги;

- даромади ва тирикчиликнинг оғир шароити.

Қўшин таркибига қабул қилиш тўғрисидаги фикримизни давом эттирар эканмиз, сарбозликка қабул қилинганлар тоифасига ота - оналарнинг ўз фарзандлари устидан қилган арзларига асосланиб чакирилганларни ҳам кўриш мумкин. Ушбу маънода ёзилган кўплаб аризалар сақланган: Жаноби Олий ҳазратим камтарлар камтари ризожўй қулингиз Кенжабек каровулбеги юзбоши қабул қиласиз деган умидда арз қилибди. Тасаддук бўлай, Махтобой деган қулингиз табаррук номангизни бу нодон қулингизга етказиб берди. Жаноби олий - ҳазратим, номада мазкур қулингиз Муртазо исмли фарзандини саришта қилиб билмаслигидан арз қилибди. Сизнинг марҳаматингиз билан уни ҳарбий кийимлар кийгизиб, қурол аслаҳалар бериб олий қўшин сафига киритсак...'. Ўзга юртлардан паноҳ излаб келганлар, муҳожирлар ҳисобига ҳам қўшин сафи тўлдирилиб борилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга ҳам дуч келинди: «Ризоталаб қулингиз Абдулҳамидбек ва Миркулибекнинг жаноби олий ҳазрат розиликларини тилаб ёзган аризаси: Бу иккала қулингиз ватанидан жудо бўлган. Минг азоблар билан остонангиздан мурод тилаб келганлар. Қулнарвар мазкур қулларингизни кўшинингиз қуллари каторига кўшишингизни умид билан сўрайман»".

Амирлик қўшинлари таркибини ўрганиш жараёни шуни тасдиқлайдики хатто, 1920 йилга қадар ҳам ҳарбий хизматчилар орасида қуллар мавжуд бўлган. Улар умрларининг охиригача ҳарбий хизматни уташлари мажбурий бўлган. Ёшохат, 1886 йил амир Абдулахад фармонида мувофиқ<sup>1</sup> бошқа қуллар каби булар ҳам озодлик васикаларини олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аммо архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, сарбозларнинг кўпчилиги ўз озодлик васикаларини қўлга кирита олмай амирга бу масалада қайта-қайта мурожаат қилишни давом эттирганлар-. Қул аскарлар алоҳида ўнликларда хизмат қилишган.

Гарчи эркин сарбозлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб доимий қўшин кўри нишини олган бўлсада, тинчлик вақтларида улар шаҳар тозалигини сақлаш, ободончилик ва хатто дехқончилик ишлари билан ҳам машғул бўлишган. Бундай сарбозлар ҳарбий машқ ва жанг вақтларидагина ҳарбий кийим ҳамда қурол-яроғ билан таъминланган. Амир Музаффархон ҳукмронлиги даврига қадар улар тинч вақтларда қурол-яроғларини ўз уйларида олиб келишган. Шу даврдан бошлаб уларнинг ҳарбий кийимида ҳам ўзгаришлар рўй берган. Бошларида қора узун шапка (қаландарларникига ўхшаш), ОҚ бўздан шим, қишда ҳарбий мундир (қулуча) Бухоро сарбозларининг кўринишларини ташкил этган. Шим ва мундир икки йилда бир бор алмаштирилган. Оёқ кийимини ҳар бир сарбоз ўзи билан олиб келишга мажбур бўлган. Амир Абдулахадхон даврига келиб ҳарбийларга икки йилда бир жуфт этик бериладиган бўлади<sup>2</sup>. Ҳарбий мундир «Қулуча» ёки «ёпик» бош кийими эса «қўлончин» деб юритилган. Сарбозлар погонларида даста рақами ёпиштирилган эди<sup>3</sup>.

Юқорида айтиб ўтилган қисқартирилган сарбозлар туркумига Туркистон генерал - губернаторлиги тасарруфидан қабул қилинган (асосан Қўқон, Жиззах, Самарқандлик) лар кириб улар губернаторлик билан

<sup>1</sup> 1868-1873 йилги Бухоро Россия шартномасида 10 йил ичида амирликда қулчиликни тугатиш ҳақида ҳам гап кетган. Бироқ, бу нарса охиригача амалга оширилмаган. " ЎЗР МДА. И-126-фонд. Ёруйхат. 2 107 иш. 1-варак.

<sup>2</sup> Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музеи архиви. - Ҳужжат. № 814. - Б. 2.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

келишувга асосан озод этилиши керак эди. Амир Абдулахадхон ҳукмронлиги даврида рус асирлари дан қабул қилинган сарбозлар деярли озод этилган эди. Бундан ташқари амир Абдулахадхон даврида кексайган, касалманд сарбозларни қўшин таркибидан озод этиш ишлари анча жонланган. Архив манбаларида бу масалага оид маълумотлар кўплаб келтирилади:

Иннайтов (Игнатов)" Бухорои Шарифдаги элчи тура бу кулингизга хат ёзиб шуни билдиради. Самарқандлик Турсунхужа Пулоднинг завжаси, Самарқанд фуқароси бўлмиш Аберой Самарқанд ҳукуматига ариза ёзибди. Аризасида шундай дейилган: Жўрабой, Мир Ориф исми икки нафар ўғлимнинг Бухорога бориб сарбоз бўлганларига 10 йил бўлди. Ҳозир мен қариб қолганман. У ерга бориб келишимнинг иложи йўқ. Шу сабабдан Аберой Самарқанд ҳукуматидан илтимос билан арз қилган ва икки нафар ўғлини Самарқандга юборилишини сўраган. Номлари қайд этилганлар ҳазирда Муборизатнаҳ Мирзабой тўқсабо юзлигидаги Мухторхўжа қоровулбеги юзбоши қўшинида сарбозлик қилмоқдалар. Самарқанд ҳокимининг илтимосига биноан сиздан Жўрабой ва Мир Орифни Самарқанд фуқаролари бўлганликлари учун сарбозликдан озод этишингизни илтимос қилиб сўрайман. 1877 йил'. Шу мазмундаги ҳужжатлар Фарғона, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд яъни Россия империяси тасарруфига ўтган вилоятлардан ҳам келтирилади. Бундан ташқари, қарилиги, касаллиги учун ҳам амир Абдулахадхон давридан бошлаб кўплаб сарбозлар хизматдан озод этила бошланган. «Фозилбек кулингиз шуни маълум қилади: Ёқуббек Қалиф вилоятида хизматдадур. Фалаж дардига мубтало бўлиб, хизматга яроқсиз ҳолатда ётибди. Уни хизматдан озод қилишингизни сўраб қоламиз»'.

Яна бир бошқа ҳужжатда 1883-йилда 450 нафар дан ортиқ сарбозлар қулликдан озод этилганлиги, озод этилган қул сарбозлардан эса 297 нафари яна сарбозлик хизматида давом эттириш истагида бўлганлиги айтиб ўтилади. Бўшаб қолган сарбозлар ўрнини тўлдириш кўпгина муаммоларни

келтириб чиқарган. 1887 йилда юзбошилар уз кўшинлари сони ҳақида ахборот берганларида' Абдулҳаким юзбоши юзлигида 189 нафар (200 нафар урнига), Муҳаммад Азим юзлигида 190 нафар, Шариф юзбоши юзлигида 175

1 нафар, Чоржуйдаги учта юзликда 555 нафар, Остонқулюзбоши юзлигида 189 нафар ва хоказо сарбозлар сони келтирилади ва уларнинг таркиби тула эмаслиги таъкидланади". Ҳатто ўнликларнинг кўпчилигида ҳам аскар сони тўлик эмаслигини билиб олиш кийин эмас. Сарбозлар амирликдаги мавжуд 28 бекликдан келишиб маълум бир муддатда махсус хизматларни ўташган. Бундай сарбозлар гуруҳи «илгор» деб номланиб улар куйидагича тақсимланган:

- Чоржуй беклигида 100 думбалапур, 10 та тўпчи(2 та эски тўпбилан) хизмат муддати 6 ой.

- Шахрисабзда 800 сешанбеги, 10 та тўпчи (3 та эски тўпбилан). Бу харбий гуруҳ Китоб беклигида ҳамўз назоратларини ўрнатиб, бу ерда улар бир йил хизмат ўташган.

- Каркида 100 думбалапур, 10 тўпчи (2 та тўпбилан), 6 ой хизмат килишган. Карманда 200 думбалапур, 1 Отўпчи (2 та тўп). Хизмат муддати 1 йил. Дарвозда - 200 сешанбеги, 10 тўпчи (2 тўп). Хизмат муддати 1 йилу 2 ой.

- Балжувонда 600 сешанбеги, 10 тўпчи (4 та тўп). Хизмат муддати 2 йил ва хоказо".

Мазкур муддатда хизматда бўлган сарбозларнинг «илгор» қисми мавжуд ҳудудлардаги элнавқарларга ёрдам беришган. Кўрсатилган муддат тугагач, илгор қисм бошқа ҳудудларга кучирилган. Мангитлар сулоласи даврида амирлик кўшинида сарбозлардан ташқари, то 1920 йилга қадар бир қанча янги харбий гуруҳлар ташкил этилган'^.

' ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-рунхат, 1625 иш, 1-варак.

" ЎзР МДА. И-126 фонд. 1-рунхат. 1529 иш. 1-варак.

' Самарканд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат м\ зеин архиви. Ҳужжат. 814. 7-8 варак  
Замонов А. XV111-ХІХаср уртадаида ВN'хороамириллгиннг кушин тчзилиши ва харбий бошқаруви."

Ўзбекистон тарихи, 2014 №1. 39-бет.

Бухоро аркини кўриклаш учун ташкил этилган ҳарбий гуруҳларни Бухорхудотлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва умуман, бутун манғитлар сулоласи даврида фаолият курсатганлигини кўрамиз. Аркнинг ичкари кисмини куриклашда мангитлар сулоласи давригача хукмронларнинг якин ва энг ишончли кишиларидан танлаб олинган. Бирок, амир Насрулло даврига келиб, дастлаб 1 00 нафардан иборат «ғуломбачалар» гуруҳи ташкил этилган. Улар сотиб олинган куллардан ташкил этилганлигини хисобга оладиган булсак, ушбу гуруҳга «ғуломбачалар» (яъни, «кулбачалар») номи берилганлигининг сабабини билиб оламиз. Юз кишидан ташкил этилган дастлабки ғуломбачалар ўз оилалари билан арк ичида яшашган булсалар, улар сони кунгиллар ҳисобидан 200 тага етгач, бу кунгиллилар хизмат вақтидан сунг уз уйларида истикомат килишган. Ғуломбачалар хизмат вақтида 2 гуруҳга булиниб ҳафтада 3 кундан куриклаш хизматида булишган. Худди шанбеги ва сешанбеги сарбозларидек биринчи гуруҳ шанба, якшанба, душанба кунлари, иккинчи гуруҳ эса сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари хизматда бўлишган. Жума куни дам олиш куни хисоблансада кўриклаш вазифасини аркда яшовчи ғуломбачалар бажаришган.

**Элғавкарлар.** Бухоро хонлиги ташкил этилган дастлабки даврлардаёқ (1533-1539) элғавкарлар гуруҳи хусусида манбаларда маълумотлар учрайди. Элғавкарлар низомий гуруҳи Бухоро амирлигидаги 28 бекликнинг ҳар бирида ҳам мавжуд бўлиб уларнинг асосий вазифаси ўз бекликларида тинчликни сақлаш чораларини химоя килишдан иборат бўлган'.

Элғавкарлар асосан маҳаллий курул - ярог билан куруллантирилиб, улар учун махсус ҳарбий кийим берилмаган. Улар асосан шохмилтик, ханжар, килич ва бошқа курул - ярогларга эга булишган.

Моддий шароитлари имкон берадиган элнавкарлар хизматга уз отлари билағ! борганлар. Шунинг учун ҳам бу гуруҳни на отлик, на пиёда аскарлар қаторига кўшиш мумкин. Уз отлари билан хизмат қилган ҳарбий хизматдагиларнинг отлари «тамғасиз отлар» ёки «тамғасиз отли элнавкарлар» дейилган. Архив ҳужжатларда хизматлари учун ерга эга булиш мақсадида ариза ёзганларнинг номлари келтирилган:

«Ҳусайнбекбий кулингиз Олий мархаматингиздан Олий муборакномадаги 14 нафар кулларингиз «эл» навқариясидаги ғуломларингиз таркибига киритилган эди. Улар хакингизга бенихоя дуолар килдилар. Нуриллохужа Хайём, Тўрахўжа Хайём, Ёрмухаммад Хайём, Абдусаттор Хайём, Ҳожи Шодибек Мирзабоши Хайём, Ниёзчехрабой Паҳлавон, Улуғберди Жаҳонбой, Турди Баҳром оға, Қорабек оксоқол, Бекмуродбек Ҳисорқул, Қаландар ясовул, Фозил ясовул ва Рўзимуродбек кулларингиз Олий ўрдаҳонангиз томонидан уларга етадиган ер олишдан умид киладилар. Олий ижозатингиз билан ҳазратим давлатларидан уларга яраша ерни хатлаб берсак...1294/1877-78 йил'.

Кўзга кўринган элнавкарлар орасидан кейинчалик бошқа низомий гуруҳларга ҳам қабул қилиниши, уларнинг юкори харбий лавозимларга эришуви ва бошқа жиҳатлар кўпгина манбаларда эътироф этиб ўтилади. Элнавкарлар 1920-йилга қадар фаолият кўрсатганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларга амирликда маълум даражада эҳтиёж бўлганлигини кўрамиз.

**Тўпчилар.** Бухоро амирлиги кўшини таркибида пиёда сарбозлардан ташкил этилган алоҳда тўпчилар гуруҳига амир Насрулло (1827-1860) даврида асос солинган'. Манбаларда шундай эътироф этилсада, бироқ жанг, ҳарбий юришлар чоғида тўпчилар амирликда ташкил этилган низомий гуруҳларга турли миқдорда тақсим этилган. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, амир Насрулло давридан бошлаб то 1920 йилга қадар тўпчилар сони тўнлар сонига нисбатан қисқариб боради ва бу тўпларнинг харбий техник

' ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-руйхат, 1625-иш, 10 варак. ^  
Троицкая А. Л. Указ.соч. - С. 21 1.

даражасининг анча ортиб борганидан далолат беради. Амирликда замбараклар асосан Россиядан ҳамда Афғортистон давлати худуди оркали олиб келинган инглиз ва турк тўпларидан иборат булган. 1 850-1880 йилларда амирликдаги бекликларга тупчилар куйидагича тақсимланган:

- Бухоро беклигида 90 та тупчи, 30 та тўп;
- Чоржуй беклигида 10 та тупчи, 2 та туп (ута оғир ҳажмли);
- Шаҳрисабз беклигида 10 та тупчи, 3 та *туи*;
- Каркида 10 та тупчи, 2 та туп (ута оғир ҳажмли)
- Карманада 10 та тупчи, 2 туп (ута оғир ҳажмли)
- Балжувонда 10 та тупчи, 3 та тўпз ва ҳоказо. Бухорода тупчилар сони

100-250 нафарлиги юқорида айтиб утилди.

Тупчилар амирлик кушинида энг нуфузли кишилар ҳисоблапишган. Бирок уларнинг амалдаги вазифалари ўта оғир бўлиб, шунинг учун уларга бошқа турдаги харбийларга нисбатан кўпроқ маош тўланган. Шу сабаб бўлса керак, амирликдаги энг олий харбий мансаблардан бири ҳам тўпчибоши ҳисобланган. Амир Музаффархон ҳукмронлигининг охирларидан тортиб то Олимхон давригача Қарши хокими Акрамбек, амир Олимхон ҳукмронлиги даврида собиқ бош миршаб Абдусатторбек тўпчи боши лавозимида фаолият кўрсатган'. Тўпчилар ҳафтанинг хар шайба кунда харбий дала машқлари ўташган. Бухоро беклигида бундай жой шаҳарнинг Самарканд дарвозаси ташқарисидаги кенг майдон ҳисобланиб, бундай машқлар «Пахта-паррон» деб номланган. «Пахта-паррон» машқи чогида тўплар зарарсизлантирилган ўқлардан, ичига сочма порох ўрнига арпа кипиги солиб фойдаланилган<sup>^</sup>. Бирок амирликка тегишли бошқа худудларда ҳам тўпчиларнинг харбий машқлар ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар биз ўрганган манбаларда учрамайди.

**Отлик 1сазаклар.** Герский жамоаси ташкил этилганидан 2 йил ўтгач, (1908) амир Абдулахадхон Кавказ казаклари намунасидаги отлик казаклар

ҳарбий қисмига асос солди. Дастлаб уларнинг сони 600 кишини ташкил этиб, 3 байдокқа бўлинган ва бир саркарда бошчилик қилган. Улар ҳам асосан Карманда 6 ой муддатда хизматда бўлишиб, Бухоро шаҳрида ушбу гуруҳга тегишли 3 та казарма мавжуд эди. Шаҳардаги Ҳавзи Мирдўстим, Мазори Чашмаи Аюб ҳамда Кофиробод гузарларидаги казармалар уларга тегишли эди.

Кейинчалик улар Ситораи Моҳи - Хоса (Мохоса) казармаларига жойлаштирилган. Отлик казаклар жамоаси маҳаллий тилда турлича «кавонский»<sup>1</sup>, баъзи манбаларда «Кубан казаклари»<sup>2</sup>, «Кавказ отликлари»<sup>3</sup> деб ҳам юритилган. Отлик казаклар таркибида 35 кишидан иборат болобомчилар мавжуд бўлган. Терский гуруҳи сингари отлик казаклар ҳам ҳафтанинг шанба, якшанба, душанба кунлари ҳарбий дала машқларида қатнашиб, машқ ўтказиладиган жой шаҳарнинг Ҳазрати Имом дарвозаси ташқарисидаги «Хоки пойи Бухоро» деб номланган. Дастлаб улар таркибида тўпчилар бўлмаган. «Кавказ» отликларининг кийимлари ранг-баранг шоҳи ва шоҳига ўхшаш нафис матолардан иборат бўлиб, улар кийимларининг ғалатилигига Караганда, ҳарбийлардан кўра кўпроқ цирк артистларига ўхшардилар. «Кавказ» отликлари батамом казармаларда жойлашган бўлиб, уларнинг казармалари амир турадиган жойларга яқин ерларда бино қилинган.

«Кавказ» отликларининг таркибини 15 яшардан то 18 яшаргача бўлган болалар ташкил этар, ёши 18 дан ошган болаларни бу тўдадан чиқазилиб, умрбод хизмат қиладиган пиёда сарбозлар тўдасига киритардилар<sup>4</sup>». Уларга бериладиган маош, имтиёзлар, турмуш тарзи Терский гуруҳи билан бир хил бўлган. Ушбу гуруҳ отлари «тамғали отлар» ҳисобланиб, кейинчалик мабодо ўз отлари билан хизмат сафига кириш истагини билдирсалар, аскарларнинг отлари учун ҳам маълум миқдорда пул, ем-хашак ажратилган.

Фитрат. Давраи ҳукмронии Амир Оли. мхон. - Б. 38. ^ Мухаммад Саййид Балжувоний. Тарихи нофеий. - Б. 56. ' Айний С. Дохунда. - Тошкент. 1965. - Б. 238. " Айний С. Дохунда. - Тошкент. 1965. - Б. 238-239

**и Шербачалар.** Колесов воқеаси дан кейин амирнинг биринчи иши аскар тўпламоқ бўлди. Бу кунларда амир туплаган аскарларнинг муҳим қисми 2 даста бўлиб, биринчиси, афғон кунгиллиларидан ташкил топган, иккинчиси эса Иброҳимча саркардалигида зиндонбанд этилган маҳбуслар, ўғрилар озод этилиб қурол - яроғ, ҳарбий кийимлар берилиб, мингга яқин аскарлардан тузилган «Шербачалар» низомий гуруҳи эди<sup>1</sup>.

Садриддин Айний амирликдаги ҳарбий масалаларга дойр қатор асарларида Шербачалар гуруҳи хусусида тухталиб - «Шербачалар гуруҳининг бутун машҳур ўғрилар йиғилган эди. Ушбу дастага қира олмоқ учун қандай ўғриликлар қилиб, қанча қорномалар, далиллар ва шаҳидлар билан исбот қилиш лозим. Ҳар қим қанча ўғрилик қилган бўлса, ўшанча юқори мартаба топар эди. Бир Бухоро ўғриларигина эмас, Самарқанднинг ҳам машҳур ўғрилари ҳукуматдан улуғ даражалар топдилар. Шербачалар Бухоро ичида амир берган яроқлар билан ўз хунхўрлик ғаддорликларида давом қилганларидек, Қарманга кўчгандан кейин ҳам, эски ишларини ишлай бердилар. Ҳатто Қарманда мунтазам даста бўлиб, чиқиб йўлларни босдилар», - деб ёзади<sup>2</sup>.

### **1.3. Амирликдаги ҳарбий унвон ва мансаблар**

Бухоро давлатида XVIII асрнинг II ярмидан бошлаб манғит сулоласи намояндалари ҳукмронлиғи бошланди. Бу сулоланинг асосчиси Раҳимбий ибн Ҳакимбий ва Дониёлбий оталиклар ҳуку<sup>4</sup>ронлиғи даврларида ҳарбий мансаб ва унвонлар бериш аштархонийлар сулоласи анъаналари асосида сақлаб келинган.

Амир Шохмурод 1785 йили Бухорода амир (ул-мўминин) номи билан тахтга кўтарилганидан сўнг, воқеалар ривожига жараёнида Бухоро амирлиғида, давлатнинг сиёсий тизими, идора этиш тартиби қоидалари унвон ва мансаблар, улар эгаларининг номланиши, вазифалари ва бошқа кўпгина

<sup>1</sup> Фитрат. Кўрсатилган асари. - Б. 38. "

Троицкая А. Л. Указ. соч. - С. 2 13.

соҳаларда муайян ўзгаришлар юз бера борди. Бирок, тадқиқот жараёнида қуйидаги муаммоли масалаларга эътиборни қаратиш зарур;

- амирликдаги сарой унвон ва мансаб эгаларининг кўпчилиги бир пайтнинг ўзида ҳарбий унвон ва мансаб эгаси ҳам эканлиги;

- кичикроқ мансаб билан ном қозонган мансаб эгаларининг юқори лавозимга эришган даврида ҳам унинг исмига олдинги мансаб кўшиб айтилиши ва аксинча;

- амирликдаги унвон ва мансабларнинг турли даврларда турлича аҳамият касб этиши.

- бир хил номланишдаги мансаб эгаларининг учала давлатда (Бухоро, Хива, Қўқон) турлича вазифаларда фаолият кўрсатиши.

Бухоро давлатида мамлакатни амир бошқарган 1917 йили Ҳожи Юсуфбий ибни Муқимбой амир Олимхоннинг ишончли элчиси Парижда Миллатлар Лигаси анжуманида сўзга чиқиб шундай маълумотларни келтирган эди: «...Бухоро амирлиги шариат ва одат вожиботларига суяниб ҳукм суради эдилар. Уламо амирни пайгамбар халифаси ва ислом шариатининг ҳомийси деб биларди. Амирнинг шароити шариатга батамом мутобиқ эди. Бухоро хонлари ўзбекларнинг мангит сулоласидан бўлганлар.

Тахтга кўтариш пайтида ўзбек одатларига кўра тўшакчага амир ўтиради ва уни саидлар, хожа ва муллолар кўтариб тахтга ўтказадилар».' Амирликда бундай тартибда тахтга ўтказиш Бухоро хонлик бўлган даврда ҳам мавжуд эди. 1868 йилнинг баҳорида Бухоро амирлигида Шаҳрисабзликлардан ташқари, 12 батальон ниёда аскарлар, 150 тўп, 20 - 30 тагача отликлар юзлиги; ҳаммаси бўлиб 12 минг пиёда аскарлар, 1500 тўпчилар, 3 минггача отлик аскарлар бор эди". Бу кўшин амир Насрулло томонидан тузилган бўлиб, ҳукмдор кўшини билан атрофдаги давлатлар билан бўлган жангларда тез - тез галаба қозониб турар эди.

' Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар. - Б. 23. ^ Лыко М. Очеркъ военных действий 1886 года в Зарявшинской долине // Военный сборник, 1887. Апрель

Амирлик бошқарувидаги унвон ва мансабларнинг кискача тавсифи қуйидагича. Уларни тула ҳолда келтиришдан мақсад ҳарбий унвои ва мансаблар билан маъмурий бошқарув мансабларининг қупгина ҳолларда қўшилиб кетганлигидир.

Амир саройида қуйидаги унвон ва мансаблар мавжуд бўлган:

**Удайчи** (араб, аслида хидоячи) - накиб (ар.) маслаҳати билан саройни мулозим ва хизматкорлар билан таъминлаш, Петербург ва Туркистон гунаерал-губернаторлигида элчилик вазифаларини бажариш, уруш ва юришлар вақтида навкарларни саф тортишини тартибга солиш ишлари билан шуғулланган.

**Шиғовул**(туркча) -**Тўқсабо**(туркча) ва**Эшикоғабоши**(туркча) мансабдорларининг шахсий адъютанти ҳисобланиб, меҳмонлар элчиларнинг қабулига масъул шахс саналган;

**Мирза Мунший** (араб.) - Тукеабо мансабидаги амирнинг шахсий қотиби;

**Мирза Мушриф** (араб.) - II даражали Тукеабо мансабидаги қотиб;

**Амалдори меҳмонхона**(араб, форс.) - амир қабулхонасидаги мансабдор;

**Девонбеги** (араб, турк.) - қирим-қиким, амирликдаги ҳиеоб - қитоблар унинг қулида эди;

**Мирохурбоши** (араб.форс, турк.) - амир отларига ем, хашак, сомон, беда етқазиб берувчи амалдор;

**Миршаббоши** (араб.форс, турк.) - амирликда ички тартибни сақловчи амалдор;

**Жамоа** (араб) - яъни қоровулбегида қортиб Додқоқ амалдорларигача бўлган мансабдорлар билан еуҳбат олиб борувчи қишилар;

**Юрқи** (турк) - амир еайёҳати қоғида олдида борувчи амалдор;

**Амалдорлар** - яъни улар амирликда оқсоқоллар ҳиеобланиб, ўз навбатида амир беқлари ўринбосарлари ҳиеобланишган;

**Шогирдпеша** (форс.) - амирликда почта ишлари билан шуғулланувчи

амалдор;

**Саркарда** (форс.) - Бухоро армияси бошқарувчиларидан;

**Махрамлар**(араб) - амирнинг яқин хизматкорлари;

**Фаррошбоши** (араб.турк.) - амир ошхонасидаги амалдор;

**Шарбатдор** (араб, форс.) - нон ва шарбатга маъсул шахе;

**Тилмочлар** (турк.) - таржимонлар;

**Обтобачи** (форс.) - сув куювчи;

**Баковул**(мўғил.турк.) - ошпаз;

**Шабгард** (форс.) - тунги сокчи;

Хуллас буларнинг умумий сони 3000 га етган.'

Қўгабеги девонхонасида қуйидаги унвон ва мансаб эгалари мавжуд эди<sup>^</sup>.

**Қўшбеги**(турк.) - Бош вазир.

**Тилмочлар** - таржимонлар.

**Мирза** - иш юритувчи.

**Ясовулбоши** (турк.) - Қўшбеги ёрдамчиси бий мансабида.

**Ясовулбоши** - Тўксабо мансабидаги II даражали ёрдамчи

**Ясовуллар** - турли вазифалар бажарувчи амалдорлар

**Миршаббоши** - ички тартибни сакловчилар.

**Амалдори меҳмонхона** - қабулхона масъули.

**Амалдорлар** - оқсоқоллар.

**Девонбеги** - ҳисоб-китоб, хўжалик юритувчи.

**Мирохурбоши** - отлар учун масъул шахе.

**Фаррошбоши** - ошхона бошлиги.

**Шогирдпеша** - алоқа хизмати амалдори

**Шарбатдор** - нон билан таъминловчи амалдор.

**Шабгард** - миршаб ҳузуридаги тунги сокчи.

**Тупчибоши** (турк.)- Зиндон ва камоқлар бошлиги

<sup>1</sup> Логофет Д. И. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1 . - С. 234.

<sup>^</sup> Замонов А. XVIII-XIXаср урталарида Бухоро амплигининг кушин тузилиши ва харбий бошқаруви..  
Ўзбекистон тарихи. 2014 X»!. 37-бет.

**Амиюнчи** (араб.форс.) - бозорлардан солик йиғувчи

**Махрамлар**- яқин шахсий хизматкорлар **Навкарлар**

(форс.) - 500 кишилик курикчилар.

Бундан ташқари Девонбеги бошқарадиган молия бўлимида; Мирзабоши, Шогирдпеша, Амалдори меҳмонхона, Закотчи, Мирохурбоши, Шарбатдор, Махрамлар, 300 кишилик навкарлар ва паст табакали мансабдорлар фаолият кўрсатишган. Диний ишлар бошқармасида Қози Калон мирзабоши, Қози, Мулло Азимлар (кидирув ишлари вакиллари), Девонбеги, Мирохурбоши, Махрамлар ҳамда куйи табака (вакиллари) амалдорларидан (оломон ва хизматчи) ташкил этилган эди. Шу билан бирга амалдорликдаги беклик ҳузурида, амлоқлар бошқаруви ҳузурида ҳам кўплаб мансабдор шахслар давлат идора ишлари билан шуғулланишган.

Бухоро амирлигида олий ҳарбий унвон, кушбегидан кейинги ўринда турувчи шахе, кейинчалик Девонбегидан сўнг оталик; Хива хонлигида-катта маълумотлари асосида ёзилгани маълум. Инок Ғарбий Европадаги майор унвонига тўғри келади. Ўрта Осиёда ўзбек қабилаларининг бошлиқлари инок деб аталмаган. Ўрта Осиё хонлиқларининг давлат тузилишини аниқ тасаввур қилиш, яъни билиш учун тарихий манба ва ҳужжатларга асосланиб ҳар бир лавозимнинг мажбурият ва вазифаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ана шу аснода куйи мансабдан бошлаб ҳарбийларга таъриф бериб ўтамыз:

**Чехраоғаси**(форс.турк.) - амир томонидан ёрликқа эга бўлган биринчи ҳарбий мансабдор бўлиб, бу лавозимдаги кишининг вазифаси ўзанидор ва жиловдорлар орасида мухтасиб вазифасини бажаришдан иборат бўлган. Чехраоғаси мансабларда чехраоғаси сифатида ҳам талаффуз қилиниб, ўрта асрларда монархия ҳукмрон бўлган давлатларда монархнинг, яъни подшонинг ёнида турувчи олий нуфузли оиладан чиққан ёш йигит ёки адъютант сўзига мое келади.

**Жибачи** (турк.) - амирликда жиба ясовчиликдан юқори мартабага эришган ҳам ҳарбий ҳам сарой амалдори.

**Мирзабоши** - амирликнинг барча бошқарув тизимида мавжуд булган мансаб эгаси ҳисобланиб, бундай мансаб эгасига табиийки, ҳарбийлар ичида ҳам эҳтиёж бўлган. Мирзабоши асосан, иш юритувчи ҳисобланиб кўшин таркибидаги ёзув чизув ишлари унинг кўлида эди.

**Қоровулбеги**- қоровуллар посбон ва соқчилар бошлиғи. Қоровулбеги давлат тинчлиги ва хавфсизлигига жавобгар шаҳе ҳисобланса, ҳарбий ҳаракатлар чоғида унга тегишли кишилар кўшин хавфсизлиги, уни қўриқлаш, соқчипосбонлар кўйиш сингари ишларга машгул бўлган

**Мирохур** - ушбу мансаб эгаси амирликда дастлаб амир отларига ем, хашак, сомон ва беда етказиб берувчи амалдор ҳисобланган. Кейинчалик ушбу хизматга раҳбарлик қилиш билан биргаликда Коми Абумуслим тумани мироблиги учун ҳам жавобгар шаҳе сифатида эътироф этилган. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида унинг роли баланд ҳисобланиб, Россия империяеидаги капитан унвони даражасидаги амалдор ҳисобланган.

**Тўксабо**- ушбу амал эгаси амир дастурхони устига идиш-товокларни тартиб билан кўйиб, амирга шарбат, айрон ва яхна ичимлик куйиб берарди. Амир мажлиси дастурхонини назорат қилиб, Харконруд туманининг ҳокимлиги ва мироблиги ҳам унинг кўлида эди. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида тўксабо амир тугини (байрогини) кўтариб юришдек олий вазифани адо этар эди.

**Эшикогабоши**- сарой дарвозаларини кўриқлаш ишларини бошқарар эди. Ойболта Эшикогабоши мансаб аломати бўлган. Ҳуқмдор саройда бўлган вақтда у амирни қўриқлаш билан шугулланган. Эшикогабоши арзгўйларнинг нима хусусида келганликларини суриштириб, уларнинг саройдаги тегишли амалдорлар томонига йўллар эди. Фақат жуда муҳим хабарлар билан келган кимсаларнигина амир хузурига киргизилар эди. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида унинг унвони полковник даражасида бўлган.

**Бий** - асосан сарой а.малдори ҳисоблансада бу мансаб эгалари додхоҳ билан биргаликда ҳарбий юришлар чоғида юкори нуфузга эга шаҳе саналган.

Бундай пайтда уларни мири даста, амири навкария ёки саркарда (канча кўшинга раҳбарлик қилишига қараб) деб атаганлар.' Архив ҳужжатларида 1865-1918 йилларда фаолият кўрсатган амирликдаги баъзи саркардалар ҳақида аниқ маълумотлар берилди .

**Додхоҳ**- амирликда халқ дарди, фикрини эшитиб, амирга хабар берувчи мансаб эгаси. XIX асрга келиб мазкур лавозим эгаси ҳарбий вакил даражасига кўратилган. Ҳарбий ишлар бўйича энг юқори даражадаги бу мансаб эгаси уз навбатида ҳарбий вазир даражасига қуратилган. Уни қупрок лашкар тўпчибоши деб атаганлар. Аниқроғи, тўпчилар қисмининг кўмондони ҳамда Бухоро гарнизони бошлиғи - лашкар бошлиғи саналиб ишлар ва бир қатор ҳужжатларда амирлик ҳарбий мансабдорларининг персонификацияси келтирилган 100 амалда ҳарбий вазир вазифасини ўтаган. 1 Бирок, XIX аср охири XX аср бошларида ҳарбий вазирлар вазифасини қупрок қўшбеги поён бажарганлигини кўраемиз.

**Иноқ**- ушбу мансаб эгаси Катта иноқ, Кичик иноқ яъни 2 даражада бўлиб, Катта иноқ умаро, шогирдпешалар ва бошқаларга амир суҳбатига мушарраф бўлган ёки бўлмаганлари ҳақида хабар берар эди.

**Парвоначи** (форс, каналак дегани) - амир фармонида биноан унинг ёрликларини умаро ва зодагонларга (қапалакдек бориб келиб)етказар эди. Арабхона жамоасининг раҳбарлиги ҳам унинг зиммасида эди.

**Қўшбеги**- Бухоро вазирларининг энг улуги ҳисобланган. Қўшбеги бу қўш, ҳарбий ставка, лагернинг кўмондони. Қўшбеги (қуш, парранда сўзидан) деб ҳам манбаларда келтирилган мансабдор овчилар, овчилик асбоблари, қушлар ва итлардан хабардор бўлиб турадиган амалдор ҳисобланган.

Қўшбеги давлатнинг эски, тажрибали, ишбилармон, сиёсий аҳволдан хабардор одамларидан тасдиқланган. Номзод, аввал Девонбеги мансабига мушарраф бўлмоғи лозим бўлиб, шунда Қўшбеги бўлишга лойиқ саналган.

Агарда ҳоким бўлса, уни вазирлик мансабига тайинлаганлар. «Қўшбеги подшо, аскар, аҳли вазифа ва фуқаро манфаати учун ҳаракат қилмоғи зарур эди. Шунда давлати олий узок муддат давом этади. Акс ҳолда бу ишнинг уддасидан чиқмаса, манфаатида зарари кўп тегса, бепарво бўлса, кундалик ва вилоят ислоҳотини билмаса, мансабидан олинган. Қўшбеги поённинг мансаби ва ҳашамати ҳам шу тарика бўлган, Қўшбегийи поёндан болога ва болодан тушириб кўтарилиб турган»'. Қўшбегининг ҳукуки бошка вазирларникидан кўп даражада ортиқ бўлган. Ҳибсга олиш, жазо бериш, қатл қилиш (бу ваколат фақат амир розилиги билан), гуноҳкор молини мусодара этиш ҳуқуқларига ҳам эга бўлган. Унинг бир неча умумий девонбегилари бўлиб, улар минглаб кишиларга таом ва сарпо беришлари мумкин бўлган. Қўшбегининг ҳашамати подшонинг ҳашаматига яқин бўлган<sup>1</sup>. Амирликда тўқсабодан бошлаб олий мансаб ҳисобланган ва мазкур мансаб эгалари вилоят ҳокимлари вазифасида ишлашга ҳақли эдилар'.

Юқорида баён этилганлардан ташқари оралик ва куйи ҳарбий амал, унвон ва мансабдорлар мавжуд эди.

**Тунқатор** (турк) - Мирзабоши ва жибачи оралиғидаги ҳарбий мансаб эгаси ҳисобланиб, саройда дарвоза олдида турадиган коровулар ва махсус дарвозабонлардан ташқари хонни кўриқлайдиган тунқаторлар ёки тунотарлар, яъғш кечаси билан ухламай чиқадиган кишилар бўлган. Ҳарбий юришлар вақтида амирдан ташқари катта мансаб эгаларининг тунқаторлари бўлган. Тунқатор Қўкон хонлигида б-даражадаги ҳарбий мансабдор ҳисобланган.

**Қўрчи** (турк.) - Чехраоғаси даражасидаги амал эгаси ҳисобланиб, қурол аслаҳа, ўк дори учун жавобғар шахс ҳисобланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияеп мустамлакачилиги даврида. 1-жилд. - Тошкент. 2000,-Б. 46.

" Мухаммад Санйид Ба.Т/кувоний. Кўрсатилган асари. - Б. 26.

Замонов А. XVIII-XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигининг кўшин тўқсабодан бошлаб олий мансабдорлари ва ҳарбий бошқаруви." Ўзбекистон тарихи, 2014 №1. 36-бет.

**Уданчи** - уруш ва юришлар вақтида навкарларни саф тортишини тартибга солар, нақиб маслаҳати билан саройни мулозим ҳамда хизматкорлар билан таъминлар эди. Удайчи баъзи манбаларда Ҳидоячи ҳам деб юритилар эди.

**Чобуқчи хазиначи**, рисолачи ва туфангчи (милтиксоz) юкоридаги амалдорлардан пастрок турар эди. Бундам ташкари, ҳарбий амаллар каторига Чандовул, Йулчи, жосус, садокчи, килич курчиларни ҳам киритиш мумкин эди. Ҳарбий кийим-кечаклар, оёк кийимлари ва бошка анжомлар ясовчи кишилар ҳам маълум даражада ҳарбийлар орасида уз нуфузига эга эдилар. Кафшбардор (пойафзал кўтарувчи), асобардор (асо кутарувчи), кўрпабардор (либос берувчи), дасторбанд (салла 5фовчи), тамакисоз (тамаки килувчи), оташбардор (чилимга олов ёндирувчи), зинбардор (эгартирувчи), жиловдор, роиз (отларни ром этувчи), туғбеги, шукурчи, найзабардор, жилов кўшбегиси, машъалчи, тиркашбардор (ўқдон кўтарувчи), доруғабоши, шотирбеги (хоннинг олдидан юриб у келишидан хабардор этувчи), чопкучи (пичоқ ясовчи), муза пардоз (амалдорлар этигини тозаловчи)' ва бошка ўнлаб амал эгаларини ҳарбий соҳада ҳам фаолият олиб борганлигини кузатамиз.

Бухоро амирлигидаги амал ва унвонларни Хива мамлақатида жорий этилган вазифа ва унвонлар билан солиштириш учун қаранг: Бухоро амирлигида мансабдорларга тайинлаш ёки мансабдан олиш қай тартибда эканлиги тадқиқот доираси марказини эгаллайди. Амалдор ном (мансаб) ила машҳур бўлган. Қуйидаги маълумотда биз мирзабошиликдан жибачи амалига ўтганлигини кўрамиз:

- Мирзабоши қулларингиз жибачи лавозимидан умид килади;
- Абдулкаюм Мирзабоши, Содик мирзабоши, Йўлдош мирзабоши, Шохимардон мирзабоши, Ражабали мирзабоши, Мухаммадбек мирзабоши, Расулберди мирзабоши, Ниёзбек мирзабоши, Нурмон мирзабоши, Исло

' Вильданова А. - Б, Подлинник Б\харского трактата о чинах и завениях. Писменные памятники Востока. Ежегодник. 1968.-М., 1970.-С. 159-163.

мирзабоши...' ва ҳоказо. Қуйидаги ахборотда эса биз бек авлоди б<sup>а</sup>лган бекзодаларни мирзабошиликдан (тунқаторликдан сакраб) тўғридан тўғрижибачилик амалига эришганлигини кураимиз. Анъанавий ҳолатларда эса чехраокаликдан мирзабоши лавозимига ва бошқа амалдорларнинг юкори мансабга даъво килишларни кураимиз: «Қуйидаги кулларингиз чехраоғаликдан мирзабоши лавозимига ўтиш умидидалар: Бобохужа чехраоға, Ҳамиджон чехраоға, Раҳмонкул чехраоға, Эшмурод чехраоға, Қосим чехраоға<sup>а</sup>. Ёки «Жибачи кулларингиз коровулбеги амали умидидалар; Неъматуллохўжа жибачи, Абдулқодирхўжа жибачи, Саримсоқхўжа жибачи, Ҳодихўжа мутававали шайх, Атоуллох жибачи, Муҳаммад Карим жибачи, Мулло Давлат жибачи, Яъқуб жибачи, Кароматилла жибачи, Иноятуллохўжа жибачи, Исматулло Домулохўжа жибачи, Раҳматиллох жибачи, Ибодулло жибачи, Иброҳим жибачи. «Қуйидаги кулларингиз коравулбегиликдан 'мирохурлик лавозимига ўтказишингизни умид килади: Махмудхўжа коровулбеги, Эшмуҳаммад коровулбеги, Нурмуҳаммад коровулбеги, мулло Шариф коровулбеги, Иброҳим коравулбеги шогирдпеша;

«Қўшинингиз таркибидаги кулларингизни миροхурлик лавозимидан тўксаболикка ўтказишингиз умидида шуни маълум киламан: - Аҳмад миροхур шогирдпеша, Муҳаммад Раҳим миροхур, Раҳматуллох миροхур, Мирзо Зариф миροхур, Даврон миροхур, Убайдулло миροхур, Имомжума миροхур, Максудбек миροхур, Ахтамбек миροхур, Мирзо Жалил миροхур;"<sup>а</sup> Манбаларда эътироф этилишича, то тўксабо амалигача тайинлаш мақсадида амир номига ёзилган аризалар Қўшбеги поён номидан битилган бўлиб, унга эса харбий амалдорларнинг тегишли кўрсатмалари етказиб турилган.

Бирок архив манбаларида номзодларнинг таржимаи холи, нуфузи, обрў-эътибори деярли келтирилмай, маъмурлар томонидан амирга тўғридан тўғри факат исми шарифигина келтирилади. Бундан ташқари, факат истисно

ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-руйхат. 1505-иш, 2-варақ. -  
ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-руйхат, 1505-иш, 2-варақ. " ЎзР  
МДА. И-126 фонд, 1-руйхат. 1505-иш. 3-варақ. " ЎзР МДА.  
И-126 фонд. 1-руйхат. 1505-иш. 2-варақ.

тарикасида ҳарбий амалдорлар сафига келтириш мумкин булган кози аскар ҳамда муфтий аскарликка эришиш учунгина олий мадрасада уқиш керак эди. Бошқа барча ҳарбий амал эгаси булиш учун ўқимишли ва маълумотли бўлиш шарт эмас эди'. Ҳарбий лавозимга тайинлаш ёки озод қилиш жараёни архив манбаларида турлича ҳолатларда келтирилади. Ҳарбий мансаб эгаларининг вафот этганлиги муносабати билан: Қулдули жамоаси кўшинида Шохимардонкул коровулбеги энг улуғ киши ҳисобланар эди. Яқинда у казо килди. Унинг укаси булмиш Тилавбек акасининг навқариядаги жой урнига хизмат қилишни умид қилиб қолибди. Мазкур Тилавбекни навқариянгизда коровулбегилик лавозимига қабул қилишингизни умид қиламан". - Қорабой парвоначи арзи: калмоқия кўшини жамоаси юзбошисиз қолгаи. Раҳмонқул мирзабоши номли киши мазкур жамоанинг яхши кишиларидан. Уни ушбу лавозимга муносиб кўришингизни умид қиламанз.

Бухоро амирлигида ҳарбий унвон ва мансаб, улар эгаларининг вазифаси масаласига дойр қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

- Урта Осиё хонликларидаги ҳокимият тузилиши, давлат бошқарув тизими мангитлар сулоласи ҳукумронлиги даврига келиб такомиллаша борди. Жамиятнинг барча соҳалари марказлашган бошқарув тизимига бўйсундирилиб, давлат бошқаруви амирнинг чекланмаган ҳукмронлиги кўли остида мужассамлашди.

- Ҳарбий унвон ва мансаб эгалари ва уларнинг вазифалари, фаолияти маълум маънода XIX аср охиридан бошлаб замонавий тартибга ўта бошлади. Бу ҳолни биз Россия империяси ҳарбий низоми, уставини қабул қилиши, ҳарбий машқлар, саф тортишдаги ўзгаришлар, ҳарбий казармаларнинг ташкил этилиши, ҳарбий амалдорлар қийинишидаги ўзгаришларда кўриши мумкин.

- Барча соҳалар сингари ҳарбий соҳада ҳам амал ва мансабларга тайинлашда кўнрок иқтидор ва қобилиятга қараб эмас балки, насл-насабга.

' Логофет Д. И. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. I. - С. 239.

" ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-руйхат, 1526-иш. 2-варак.

бойлигига, ўрта асрчилик саркитлари ҳисобланган уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик анъаналарига эътибор берилган.

- Ҳатто, 1920-йилгача кадимда узининг илми, фани билан дунёда ном таратган Бухоройи Шарифда бирорта ҳарбий мутахассислар тайёрлайдиган на бошланғич, на урта ва на олий таълим тизими мавжуд эмас эди. Бу уринда Д. Логофетнинг мирохурни-капитанга, тўқсабони подполковникка, додхоҳни-генералмайорга, иноқни-генерал лейтенантга, тенглаштириши ҳам ачинарли хол эди. Манғитлар сулоласи ташкил топган даврда (XVIII аср II ярмида) биргина артиллерия соҳасида Россияда, Михайловскийда, Петербургда Константиновский номли артиллерия билим юртлари, Москвада артиллерия техника мактаби, Михайловскийда артиллерия академияси, Офицерлар олий артиллерия мактаблари фаолият курсата бошлаганига анча вақт бўлган эди.

- Аксарият ҳарбий амал эгаси деб эътироф этилган кишиларни биз тула ҳарбий дея олмаймиз, уларни катта ер эгаси, ҳам чорвадор, ҳам боғбон, ҳам хунарманд ва бошка касбдагилар сирасига киритиш мумкин. Манбаларда уз кули остидаги сарбозлардан хужалик ишларида аёвсиз фойдаланиб келган ҳарбий амалдорлар хусусидаги куплаб далилларга дуч келинди:

- ҳарбий амалдорликнинг кўнинча наслдан наслга утиб туриши ҳарбий хизматга булган муносабатга салбий таъсир этарди.

- сарбозлар сингари ҳарбий мансаб эгалари хизмат ёши чегараланмаган эди. Архив манбаларининг аксариятида амалдорларнинг вафоти муносабати билангина янги амалдор тайинланиши курсатиб утилади.

- амирликнинг тугатилиши давригача ҳамҳарбий амалдорларни тайинлаш қонун - қоидалари тула ишлаб чиқилмаган эди.

Умуман, амирликдаги ҳарбий амалдорларнинг ҳашамати юкори бўлиб, сиёсий ва ҳарбий билимлари, илмий салоҳияти, укуви замон талабларидан анча орқада эди.

**П.БОБ.**

**БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚЎШИННИНГ МОДДИЙ-  
ТЕХНИК АҲВОЛИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА  
АКС ЭТИШИ**

**2.1. Бухоро амирлиги қўшиғтдаги курул - яроғлар, ҳарбий жанговарлик** ҳолати ва унинг таъминоти Ўзбек давлатчилиги тарихига назар ташласак, ҳар қандай мамлакатнинг ҳарбий сиёсий қудрати бевосита унингиктисодийривожи, салоҳияти билан чамбарчас боғлиқлигини курамыз. Бирок XVIII-XIXасрларда хонликлар уртасидаги >'заро урушлар, мамлакатдаги ички низолар қоқоқлик гирдобини янада чуқурлаштирди. Ана шу боис манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг дастлабки даври билан амирликнинг Россия империяси вассалига айланган вақтидаги курул-яроғ, армиянинг ^жанговарлик ҳолати, таъминоти масаласида катта ўзгаришлар сезилмайди. Бундан ташқари, Бухоро амирлигидаги, қолаверса, барча хонликларҳарбий-сиёсий ҳолати тўғрисидаги аниқ маълумотлар рус савдогар, элчи, жосус, саёҳатчи ва бошқа киёфасидаги кигаилар томонидан чор Россияси ҳукуматиға XVII аср бошларидан етказиб берилга бошланган эди. Россия элчилигидан кўзланган асосий мақсадларидан бири ўлкани мустамлакаға айлантириш эканлиги аён. Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида рус элчилари сафида Бухороға келган Е. Мейендорф ўз асарида амирлик ҳарбий кучлари хусусида фикр юритиб шундай ёзади: «Сипохийлар пилта милтик, жуда узун найза ва эронийларники каби ёйсимон киличлар билан курулланган. Улардан айримлари калта жибалар кийишади, темир ва хўкиз терисидан килинган дубулға тақишади. Артиллерия эса 20 та эрон замбарагидан иборат бўлиб, учта ёки тўрттаси темир козиклари бўлмаган лофетлар билан жиҳозланган, холос. Лофетлар, учта гилдиракка ўрнатилган бўлсада, шунга карамай, улар катта кийинчилик билан ҳаракатға келтирилади».'

Бухоро амирлиги қурол-яроғлари хусусида маълумот берар эканмиз, уларни икки гуруҳга булиш тўғри бўлар эди. 1. Совук қуроллар. 2. Ўт очар қуроллар. Совук қуроллар сарасига қилич, ўк-ёй, найза, ханжар, ойболта, гурзи ва б. Бу қуроллар номланиши сифат даражасида узгаришлар юз берган бўлсада, бутун Қўрағон сулоласи даврида янгидан яратилганларини деярли учратилмайди.

Совук қуролларнинг асосийси ҳисобланган қилич қадимги даврлардан бошлаб жангларда асосий рол ўйнаб, тадқиқ этилаётган даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва ҳаттоки, номланишида ҳам IX-XII асрлардаги ўз номларини сақлаб келган. Манбаларда амир сарбозлари ва ҳарбий амалдорлари тақиб юрган «чиний», «русий», «румий», «фаранги», «сулаймоний», «хиндий», «дамашкий» ва бошқа номли қиличлар учрайди.<sup>1</sup> Бундан ташқари амирликда, «фарангий», «афғоний», «эроний» номлари билан бошқа совук қуроллар ва ҳаттоки, ўточар қуроллардан ҳам фойдаланишган. Қилич билан жанг қилиш ўрта асрлардаёқ Европа ва ривожланган давлатларда камдан кам ҳолларда учрасада, амирлик ҳудудида гарчи ўточар қуроллар бўлишига қарамадан то 1920 йилгача муомалада бўлган.

Қилич билан биргаликда ханжар ҳам амирлик аскарларининг анъанавий қуроли ҳисобланган. XIX аср охирида Бухорода ишлаб чиқарилган иилта милтиқлар учиға ҳам европа милтиқлари синғари ханжарлар (штык нож) илиб кўйилган. Россия империяси вассалига айланган Бухоро амирлигида кўплаб «ассои сафари», «ассои жиходи» деб ном олган қуроллар ишлаб чиқарилганки, улар ҳам хасса, ҳам қилич вазифасини бажарган ва ундаги хасса ғилофида аслида қилич бўлиб, мавҳум тарзда жойлаштирилган зумрад ва кумушлар билан безаб ишланган". Бу тарздаги қуроллар, совук қуроллар яшаш санъатининг ёрқин намунасидир. Амирликда ўточар қуроллар узок даврлар мобайнида шаклланиб улар қаторига милтиқ,

<sup>1</sup> Шариф Муҳаммад Мансур Муборакшоҳ., Адаб ад-харб ва-ш-шужоат. - Душанбе, 1997. - С. 161 ^ Бухоро шаҳридаги Пойи Остона масжидида ва машҳур темирчи Шокир ота Камолов коллекцияларида ушбу турдаги қурол - яроғлар сақланиб келинмоқда.

тўппонча ва тўпларни киритиш мумкин. Амирликда чакмок милтиқ, пилта милтиқлар бўлиб, манғитлар сулоласи даврида улар анча эскирган эди. Россия империяси босқини арафасида Афғонистон орқали инглиз милтиқлари (бу ҳол айниқса, 1917-1920 йилларда анча кучайди) Эрон, Туркия, Россия милтиқларининг кириб келиши жараёни авж олди.

Россия империяси вассаллиги даврида амир кўшинида турли хилдаги милтиқларни кўриш мумкин эди. Сешанбеги сарбозларида оддий пилта милтиқлар, шанбеги сарбозларида эса амир Музаффархон ҳукмронлигининг охириги йилларида Россия армиясининг 1862 йил намунасидаги «Бердана-3» милтиқлари билан қуролланган эди. Бундан ташқари бир гуруҳ сарбозлар думбалапурлар дейилиб, улар кўлида «думбалапур» (яъни ўк милтиқнинг орқа томонида жойлашади) милтиқлари билан қуролланган эди.. XIX асрнинг иккинчи ярмида милтиқлар эскирганлиги туфайли ҳатто, ҳарбий машқлар давомида ҳам ишдан чиқар, оддий ҳолларда синиб кетар эди. Бузилган ва синган милтиқларни таъмирлаш сарбозларнинг ўз ҳисобларидан амалга оширилган<sup>1</sup>. Милтиқлар шу қадар эскирган эдики, ҳатто ҳар бир юзликда 2-3 нафар милтиқсоз сарбоз эртаю кеч милтиқ тузатиш билан машғул бўлган. Архив маълумотлари бу ҳақда кўплаб ҳужжатлар учрайди.

- Абдуллоқаҳҳорбек тўксабонинг арзи; Ҳар қайси юзликдаги сарбозларда 2-3 нафардан милтиқ усталар бўлиб, бу ризожўй қулингиз кўшинида 1 нафар милтиқсоз бор. Синган ва бузилган милтиқларни таъмирлаш учун бир нафар уста камлик қилмоқда, 1 893-1 894-йил".

- Қўшинингиз куллари ичида бир милтиқсоз бор эди. У хизмат юзасидан Шахрисабз вилоятига юборилди. Бу вақт ичида кўшинингиз куллари устасиз қолди. Қулингиз давлатхона усталаридан бирини беришингизни у.мид қилиб сизни дуо қилади. Сана 1893-1894 йил"<sup>2</sup> Амир Абдулаҳадхон даврига қелиб сарбозларнинг қурол-яроғлари билан уйларига

<sup>1</sup> - Ю Айний С, Дохунда. - Б. 191-192. 2 ЎзР МДА. И-126- фонд. 1- руйхат. 1637-иш. 3- варақ.

УзР МДА. И-126- фонд, 1- руйхат. 1637-иш. 3- варақ.

<sup>2</sup>Ўз Р. МДА. И-126-фонд. 1-руйхат. 1634-иш.1-варақ

кегишларига рухсат берилмайдиган булди. Бу курол тури халк тилида «Берданка» деб ҳам аталган.

Вафот этган сарбозларнинг курол-яроғлари ва ҳатто ҳарбий кийимларигача олиниб, тупбошчига топширилган;

- Миробод мирохур кушинида вафот этган одамларнинг курол-аслаҳалари бор. Қуйидаги аслаҳаларни Акрамбий иннок тупбошига топширдик: Милтиқлар руйхати;

юзбоши Муҳаммад Шариф коровулбеги - 50 та,

юзбоши Муҳаммад коровулбеги - 44 та,

Ҳабибулох коровул юзлиги - 39 та... Жами 186 та кшлтик.' Тарихдан маълумки, Россия империяси босқини арафасида Ўрта Осиёлик савдогарлар учун Россиядан металл хом ашёсини олиб чиқиш таъқиқланган. Бухоро амирлиги ҳарбий ишлари учун металл жуда ҳам муҳим эди. Ана шу боис Бухоро ва умуман хонликлардаги савдогарлар Россиядан хом ашё эмас, балки металл буюмлар, кунрок қозон ва йирик металл буюмлари олиб келиб сотиши ҳукумат томонидан рағбатлантирилган. Кунгина ҳолларда контрабанда йули билан тўғридан тугри курол-яроғларни олиб келишга ҳаракатлар ҳам кучайганини кураимиз". Бу ҳол айниқса, XX аср бошларида анча кучайиб амирликка курол-яроғ олиб келиш ишлари ҳукмрон доиралар томонидан рағбатлантирилган. Рус ҳарбий амалдорларининг Когондаги Россия императорининг сиёсий агентлигига ёзган махфий хати шундай мазмун касб этади:

- Разведка маълумотларига қура амирликнинг Карки беклигида Термиз за Марв орқали туркманлар қатта ҳажмдаги инглиз курол-яроғлари билан савдо қилишмоқда. Афғонистондан олиб келинаётган калибри 4.3 см. ли Либоди-Мартини системали инглиз милтиқлари туркманлар томонидан 50-75 гублдан сотиб олиниб, Каркида 75-100 рублдан сотилмоқда. Маълум 'улишича, Мозори-Шариф ва Майманадан олиб келинаётган бу милтиқлар

Уз р. МДА. И-126-фонд, 1-руйхат, 1634-иш. 1-варақ

" 1S68. 1873 йилги Россия-Бухоро шартномасига қура Бухорога четдан курол - яроғлар кпритиш

"2":қиқланган эди.

савдосини рағбатлантириш хусусида Ҳабибуллохоннииг махфий буйруғи бор 1906 йил 11 феврал'. Рус ҳукуматининг қарор ва билдиргиларида бундай ҳолларга қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги юзлаб хат ва хабарлар мавжуд. Шундай булишига қарамадан бундай ҳолатларни бартараф этишга рус маъмурларнинг қурби етмаган:

- Олинган маълумотларга қура, Бухоро шаҳридаги Лабиҳовуз Мирдустим, Қозонхона, Қори Тўхта гузарларида контрабанда йўли билан олиб келинган катта ҳажж4ли милтик ва револьверлар сақланмоқда. 1911- йил 4-ноябр'. Архив манбаларида амир савдогарининг Россиядан кўплаб миқдордаги қурол-аслаҳаларни контрабанда йўли билан олиб келганлиги, уларнинг айримлари рус ҳукумати маъмурлари томонидан қўлга олинганлиги хусусида кўплаб маълумотларга дуч келамиз. Бундан ташқари, шундай маълумотлар борки, унда Россия фуқаролари ҳам бойлик эвазига Бухоро амирлиги ҳудудида қурол-яроғ савдоси билан шуғулланишган. Масалан: Россия сиёсий агентлиги маъмурларидан И. Решетов 1911 йил 6- февралда амирликка ёзган хатида рус фуқароларидан Кожуховский, Абаржи Вакулов, Ветохинлар амирлик ҳудудида махфий равишда қурол-яроғ савдоси билан иш олиб бораётганликлари сабаб уларни ушлашда ёрдам беришни сўраган.^

Амирлик ҳудудига қурол- яроғ келтирилиши ва унинг ишлаб чиқарилиши айниқса, 1917-йилдан сўнг анча жонланган. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган Мухаммад Сайид Балжувоний хабар беради: «Низомий аскарларидан бўлмиш араб жамоасидан 50 нафари Ашхобод чўлига бориб, Англис давлатидан англизча пулемёт ва милтиқлар олиб келдилар. Тўракулбой пўст (Қоракўл) кўй териси ортилган туя билан Англияга юборилди. Бухоро ва Англия ўртасидаги дўстлик ўрнатилиши ҳақида эълон қилдилар.

<sup>1</sup> Ўз Р МДА. 3-фондЛ-рўй\ат. 272-иш. 1-варак.

<sup>2</sup> Ўз Р МДА. 3-фонд, 2-рўй\хат, 171-иш, 187-варак.

<sup>3</sup> Ўз Р МДА. 3-фонд, 2-рўй\хат, 171-иш. 10-варак.

Россия урушларида асир тушган бир гуруҳ аскарларга ойлик тайинланиб, Имом (Абу) Ҳафси Кабир Бухорий дарвозаси олдида, калъа ичида туп ва у к ишлаб чиқарадиган фабриками ишга солдилар. Кофирободда ҳам дору, туп ва милтик сошлаб яшани йулга куйиб, харбий ва давлат ишларини ривожлантирдилар. Натижада, Бухоро аскарисясида тупларнинг сони 600 тага етди, яка қанчадан қанча европача туплар ишлаб тайёрладилар. Дўстлик урнатиш учун Домулло Қутбиддин Судурни Тўрахўжа Накиб билан Афғонистонга юбордилар. Афғонистон амири вужоролари билан узаро бир неча қарорлар қабул қилиб, Бухоро давлатига ёрдам тариқасида олтига фил ва 200 нафар фидоий аскарини юборди»<sup>1</sup>.

1917 йилдан маълум маънода мустақилликка эришган Бухоро амирлигида советлар томонидан қилинадиган тажовузларга қарши бир қанча чора ва тадбирлар қўлланди. Айнан шу даврдан бошлаб «Смитта» ва «Вессона» маркали инглиз револьверлари амирликка кўплаб киритила бошланди.<sup>^</sup> Бухоро амирлигида контрабанда йўли билан қурол-яроғлар киритилишидан ташқари, Россия империяси ҳукмрон доиралари ҳам чекланган микдорда амирликка қурол-яроғлар беришга маълум маънода мажбур бўлишган.

Россия империясининг амирликка қурол-яроғлар билан «ёрдам» кўрсатишининг сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ўринда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

- Бухоро амирлигида бўлиб турадиган ички низолар, бекларнинг амирга бўйсунмаслик ҳолатлари, (1868-1871) йиллардаги Абдумалик Тўра, Шахрисабз ва Китоб бекликларидаги ҳаракатлар, халқ кўзголонлари (1870-74 йиллар Балжувонда, 1871 йил Қарши ва Ғузурда, 1885 йил Кўлобда, 1885-86 йиллар Шерободда, 1886 йил Ҳисорда, Дехнавда, 1899 й Калифда, 1910 йилги Бухоро шахридаги воқеалар) узок вақтгача чўзилиши Россия империяси манфаатларига ҳам тўғри келмас эди

<sup>1</sup> Мухаммад Сайид Ба<sup>^</sup>пж-увоний. Тарихи нофеней. - Б. 58. " ЎзР МДА. 3-фонд. 2-руйхат, 976-11ш. 36 варак.

Ўз навбатида 1914-1916 йилнинг охирига қадар Бухоро амирлигининг биринчи жаҳон уруши муносабати билан Россия империясига кўрсатган катта ҳажмдаги ёрдамларини кузатиши мумкин. Бу хусусида Балжувоний шундай ёзади: Шундай замон келдики, Николай подшо Германия подшоси билан низо қилди. Бу низо - келишмовчиликлар оғир ва қаттиқ урушларга айланди. Ҳатто ўрус Николай Бухоро подшосидан ёрдам сўради. Россияга ўнта тўпи жаҳонгир, 500 та 50тар милтик юборилди. Шунингдек, фуқародан 1500 та яхши от мадад тариқасида юборилди'.

Бухоро амирлигида энг нуфузли ҳарбийлар тўпчилар ҳисобланиб, жанг вақтларида тўпларга катта ишонч билдирилган. Дала жангларида тўплар амир Шохмурод ҳукмронлиги даврида (1785- 1800) кўрина бошлади. Бу ҳолат амир Шохмуроднинг азалий рақиби Эрон шоҳи Аббосшоҳга қарши ҳарбий юришлариини тасвирлаган форс манбалари ва бу давр тарихини ўрганган рус зобитлари асарларида келтирилган". Ўзбек хонлари жумладан, Бухоро ҳукмронлари ҳам кўшин ва қурол-яроғ бобида тамомила хотиржамликка берилган эди, дейиш тўғри бўлмайди. Рус босқини ҳавфи сезила бошлаганда, ҳатто Хива хони Оллоқулихон амир Насруллога бу йўлда иттифоқлашиш таклифини ҳам орага солган эди. Амир Насрулло ҳарбий соҳада маълум ислохотларга кўл урадида, аммо охиргача уни етказа олмайди. Бунинг маъноси шуки, у ўзининг 34 йиллик салтанати давомида хоиликдаги ички низолардан қутула олмади. Бутун ҳарбий кучини итоатдан чиққан вилоятларни бўйсундиришга сарф этди. Йўкса, Бухорода узок муддат яшаган, Зарафшон ҳарбий округини бошқарган, Туркистоннинг ҳарбий қувватини синчиклаб ўрганган Г. А. Арендаренко айтганидек: «Насрулло даврида дала тўилари сезиларди даражада яхшиланган эди, улар инглиз ҳарбий низомидан чала-чулпа хабардор бўлган афғон тўпчиларини хизматга олдилар. Оғир қуролли отликлар, фальконетли ҳисобдорлар сони ҳам оширилади. Пиёдалар кўпайтирилиб, тўплар ҳимоясида жангга кириш ва

' ЎзР МДА. 2-фонд. 1-рўйхат. 1 I I-iim. 4 варак. "  
Арендаренко Г. Бухарские войска в 1880 г. - С. 131.

калъаларга ҳужум килиш кўлланила бошлайди». 'Бошқа манбаларда амир Насрулло афгонлар ҳамда к5'шин таркибидаги пиёда сарбозлардан тупчилар  
1 1 7  
низомии гуруҳига асос солган амир сифатида эътиросз этилади."

Амир Насрулло даврида ва ундан кейин ҳам тупчибоши кўшиннинг бош кумондони ҳисобланган. Бухоро амирлиги тўпларига таъриф берадиган бўлсак, амирликда ишлаб чиқарилган дастлабки тўплар «Даҳанпур» (яъни тўпнинг ўқи олд тарафдан жойланган) деб номланган. Бу хилдаги тўплар аксарият холларда калъа ҳимоясида кўлланилган. Амирлик даҳанпур тўплари бунёд этилиши жараёнида артиллерия ривожланишининг дастлабки босқичи- хунарманд ишлаб чиқариш даврини босиб 5'тди. Ўт очиш куроллари ва порох алоҳида усталар томонидаи ишлаб чиқарилган. Тўп кўйиладиган жой «Қўрхона» деб номланб, бундай кўрхоналар Бухоро, Кармана, Самаркандда (1868 йилгача) фаолият кўрсатган. Қўкон хонлигида мазкур устахоналар '«Тўбхона», «Ишхонаи-тўбхона» деб юритилиб, «Жалоир», «Шохмали», «Язали» номлари билан тўплар ишлаб чиқарилган." " «Даҳанпур» тўпларини жанг майдонига олиб бориш жараёнида тўп ядролари «жаримачи сарбозлар» гуруҳи томонидан ташиб борилган. Манбаларда эътироф этилишича, сарбозлар 2 тадан 5 тача (оғирлигига караб)тўп ўқларини керакли худудгача олиб боришга мажбур эдилар. Ядролар учун энг зарур ҳисобланган порохлар ҳам XIX аср бошларидан эътиборан амирликнинг ўзида ишлаб чиқариладиган бўлди. Амир Абдулахадхон ҳукмронлиги даврига келиб эса порох ишлаб чиқарувчилар сони анча кўпайган. Архив манбаларида бу ҳолат куйидагича эътироф этилади;

- Камар Баракабий арзи:

- Олий фармойишга биноан тайёр бўлган «шуур»дан олиб, уларга бир 03 колдирдик. Ундан яхши дору (порох) тайёрлатамиз"<sup>^</sup>; Қўрхонада олтингугурт бор деган эдилар. Шу олтингугуртни олиб шуур килиб усталарга

Арендаренко Г. Досуги в Туркестане. 1874-1889. - Спб. - С. 543. ' Троицкая А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века. ~ С. 211.

Турсунов Б. Қўкон хонлигида харбий иш ва кушпи: ҳолати. бошқаруви. анъаналари. (XIX асрнинг 70 - йилларигача.) Тарих фан. но.м. дисс. ... Тошкент. 2006. - Б. 134. ЎЗР МДА. И-126-фонд, 1-рўйхат, 1636-нш. 2-варак.

қалъаларга хужум қилиш қўлланила бошлайди».' Бошқа манбаларда амир Насрулло афғонлар ҳамда қўшин таркибидаги пиёда сарбозлардан тўпчилар низомий гуруҳига асос солган амир сифатида эътироф этилади.<sup>^</sup>

Амир Насрулло даврида ва ундан кейин ҳам тўпчибоши қўшиннинг бош қўмондони ҳисобланган. Бухоро амирлиги тўпларига таъриф берадиган бўлсак, амирликда ишлаб чиқарилган дастлабки тўплар «Даҳанпур» (яъни тўпнинг ўқи олд тарафдан жойланган) деб номланган. Бу хилдаги тўплар аксарият ҳолларда қалъа ҳимоясида қўлланилган. Амирлик даҳанпур тўплари бунёд этилиши жараёнида артиллерия ривожланишининг дастлабки босқичи- хунарманд ишлаб чиқариш даврини босиб ўтди. Ўт очиш қуроллари ва порох алоҳида усталар томонидан ишлаб чиқарилган. Тўп қўйиладиган жой «Қўрхона» деб номланб, бундай қўрхоналар Бухоро, Кармана, Самаркандда (1868 йилгача) фаолият кўрсатган. Қўкон хонлигида мазкур устахоналар '«Тўбхона», «Ишхонаи-тўбхона» деб юритилиб, «Жалоир», «Шохмали», «Язали» номлари билан тўплар ишлаб чиқарилган.<sup>^</sup> «Даҳанпур» тўпларини жанг майдонига олиб бориш жараёнида тўп ядролари «жаримачи сарбозлар» гуруҳи томонидан ташиб борилган. Манбаларда эътироф этилишича, сарбозлар 2 тадан 5 тача (оғирлигига караб)тўп ўқларини керакли ҳудудгача олиб боришга мажбур эдилар. Ядролар учун энг зарур ҳисобланган порохлар ҳам XIX аср бошларидан эътиборан амирликнинг ўзида ишлаб чиқариладиган бўлди. Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврига келиб эса порох ишлаб чиқарувчилар сони анча кўпайган. Архив манбаларида бу ҳолат куйидагича эътироф этилади;

- Камар Баракабий арзи:

- Олий фармойишга биноан тайёр бўлган «шуур»дан олиб, уларга бир 03 колдирдик. Ундан яхши дору (порох) тайёрлатамиз"<sup>^</sup>; Қўрхонада олтингугурт бор деган эдилар. Шу олтингугуртни олиб шуур қилиб усталарга

' Арендаренко Г. Досуги в Туркестане, 1874-1889. - Спб. - С. 543. ^ Троицкая А. Л. Военное дело в Бхосаре в первой половине XIX века. - С. 211.

^ Турсунов Б. Қўкон хонлигида харбий иш ва қушин: ҳолати. бошқаруви. аънаналари. (XIX асринг 70 - йилларигача.) Тарих фан. ном.дисс. ... Тошкент, 2006. - Б. 134. " ЎзР МДА. И-126-фонд. 1-рўйхат. 1636-иш. 2-варак.

бериб «яхши дору (порох) тайёрла», деб тайинладим. Олампадох, олий фармонга хос шуурпазларга одам юбордим ва тезда шуур тайёрланглар, дедим. Уларнинг шууридан ва колган олтингугуртларидан олиб дурадгор усталарга бериб яна дору тайёрлатаман'.

## 2. 2. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий ва маиший турмуши XIX

асрнинг I чорагига қадар амирликда доимий ҳаракатдаги қўшин мавжуд бўлмайдиган асосан ҳарбий ҳаракатлар давомида улар йиғилиб, уруш ҳаракатлари тугаллангани биланок тарқатиб юбориларди. Амирликда жангчиларнинг дам олиши ва тунаши учун ҳарбий казармалар етишмас, мавжудлари ҳам аянчли ахволда булган. Н. Стремоуховнинг ёзишича, Бухоро ҳарбий қўшинларининг казармалари жуда ҳам ачинарли курунишга эга булган. Ҳарбийлар намоишда қатнашганда сарбозлар тудаси ҳарбийларга эмас, кўпроқ масхарабозлар тўдасига ўхшар эди. Эрталаб барвақт истар истамас судралиб ўз уйдан эшакда Бухоро ҳарбий қўнимгоҳга йўл олган сарбозларни кўриш кулгили туюларди. Бухоро ҳарбий қўшинининг намоиши комедияни эслатарди. У ўзининг ғалатилиги билан ҳар қандай жиддий кузатувчининг ҳам кулгисини кистардик Бухоро амирлиги Россия империясининг вассалига айлангач, кўпроқ рамзий маъно аҳамият касб этадиган янги типда ташкил этилган «европача» тидаги низомий гуруҳлар учун бунёд этилган казармаларда ҳам ахвол ачинарли туе олган эди.

Мазкур низомий гуруҳлар деярли мунтазам армия сифатида фаолият кўрсатиб Терский отряди Кармана ва Бухоро шахрида тахти - Чорбоғ гузаридаги<sup>^</sup>, Отлик казаклар шаҳарда Ҳовуз - Мирдўстим, Мозори Чашмаи - - Айюб, Кофиробод гузаридаги", Шефский гуруҳи Ситораи Моҳи - Хосадаги<sup>^</sup> казармаларда қўним топишган. Ғарб тадқиқотчиларининг амир

' ЎзР МДА. И-126-фонд. 1-руйхат, 1636-иш. 32-варак; Яна қаранг: Понкратов Г. Приготовление пороха бухарцами // Артиллерийский журнал, 1870. -№ 6.

<sup>^</sup> Самарканд\_\_\_\_\_ шахридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи архиви. - № 814 - иш, 9 варак. Фитрат А. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. - Б. 37.

" Ўшажойда

сарбозлари қўним топган казармаларидаги аҳвол хусусидаги фикрлари архив манбаларида ҳам уз ифодасини топган.

- Холмуродбий иноки калоннинг тўпчибошига ёзган арзи. 1889 йил, ноябрь. Аскарлар яшайдиган казармалар емирилган булиб, уларни таъмирлаш керак. Тахминан 2 ой ичида казарма тамоман емирилади. Жаноби Олийдан умид қилиб шуни илтимос қиламанки, мазкур муддат ичида узим 300 нафар аскар ва туралар билан Тахти - Чорбоғ казармасига келиб жойлашсак'.

- Нурали юзбошининг тўпчибошига арзи. 1896 йил. Бандалик арзини қилиб билдираманки, сарбозларнинг чодирлари йиртилган. Куп ёмғирлардан нам булган. Казармада 16 сарбоз касал булиб машкларга қатнаша олмаяпти. Шунинг учун бизга таъмирлаш, кулуча, шал вар сотиб олиш учун 300 танга ажратсангиз".

Амирликда ҳарбий машклар аксарият ҳолларда об-ҳавонинг қулай шароитларида ўтказилган холос. Ёғингарчилик нокулай об-ҳаво шароитларида нам ва ифлос казармаларда ётиб олишган; - Қиш пайтида сарбоз кулларингизни анча муддат майдонда машк қилдириш имкони бўлмади. Ҳозир баҳор бўлди, ерлар қуриди. Таомил юзасидан ҳозирда белгиланган кунларда сарбозхонадан чиқиб диккат билан машқ қилдирмоқдаман. 1913 йил,' деб хабар берилган маълумотларнинг бирида. Бундай ҳолатни фақатгина паст амалларгина эмас, қолган низомий гуруҳларда ҳам учратиш мумкин. Янгича тартибда ташкил этилган Кавказ отлиқлари гуруҳида 15 - 18 ёшли йигитлар хизмат қилиб, 18 ёшдан ошганлари пиёда сарбозлар гуруҳида хизматларини давом эттиришган. Уларни казарма ва белгиланган жойлардан бошқа жойларга рухсатсиз чиқиб юришлари тақиқланган. Ушбу ҳолат Терский, Шефский гуруҳларига ҳам тегишли эди. Шанбеги сарбозларининг шаҳар ичида XIX аср охиридан бошлаб ўз казармалари бунёд этилган. Хизматдан ташқари пайтларда ўз

' ЎзР МДА, И-126 - фонд, 1 - рўйхат, 1610 - иш, 1 - варак. ^ ЎзР МДА. И-126 - фонд, 1 - рўйхат. 1602 - иш. 4 - варак. ЎзР МДА. И-126 - фонд. 1 - рўйхат. 1647 иш. 5 - варак.

хўжаликларида ишлари билан машғул бўлишган. Сешанбеги сарбозларининг эса махсус казармалари бўлмай, хизмат кунлари узокдан келганлар ўзлари хусусий равишда саройлардан хужра ижарага олиб турардилар ва милтикларини ўз хужраларида саклаб, унга шахсан ўзлари жавобгар эдилар.

Манбаларда эътироф этилишича, сарбозлардан айрим ҳолатларда арзимаган маош эвазига юқори мартабали кишилар дафн этилган қабристон хизматкорлари сифатида ҳам фойдаланилган:

- 20 нафар кулларингизни фоиз ал-анвор мозорида ишлаш вазифасига, улардан 16 нафари мазор корихонасида, 2 нафари парросхонада, 1 нафари мактабдор мирзабоши, 1 нафари фаррошлик хизматини қилиб уларнинг 16 нафарига ҳар ойда 7 тангадан, 2 нафарга 10 тангадан, мактабдорга 7 танга, фаррошга 5 танга маош жами 1 йилда 1898 танга олий ҳазратлари хазинасидан ажратсангиз'. 1898 йил. Албатта мазкур иш билан юқорида кўрсатилган сарбозлар хизмат кунларидан бўш пайтларида шуғулланган бўлишса керак. Ушбу масалага кейинги хужжат қисман ойдинлик киритади:

- Юзбоши Сафарбек сарбозлари аморатпаноҳ Акрамбий юзбошидек ҳар ҳафтада 2 кун бозорда кўрғон эшиги олдида сарбозхонадан тартиб билан келиб куёш чиқмасдан машқ қилиб жаноби олийларини дуо қилиб яна сарбоз ҳамроҳлигида тартиб билан хизматга боради. Сарбозликни касб қилишга қўймай, сарбозликдан чиқиб, фақат зарурият юзасидан ман қилиб ҳар куни куннинг ярмида бир одамни ўнбоши бўлмаган пайтда колдириб кетади. Қаерга кетганлигини айтиш учун колдиради. Бозорсиз кунда сарбозхонада машқ килдиради 1904й.-

Юқоридаги хужжат орқали биз сарбозликнинг амирлик учун кўп ҳам ахамиятли деб каралмаслиги, бу ишни касб қилиб олишда ҳаттоки, ҳарбий маъмурларга ҳам эътирозлар билан каралганлиги, кичик зобит ҳисобланган ўнбошилар ҳам хизмат вақтларидан бўш пайтларида бошқа ишлар билан шуғулланганликларига гувоҳ бўламиз. Амирликда мунтазам қўшин ташкил

' Ўз РМДА. И-126 - фонд, 1 - рўнхат, 1637 - иш. 1 - варак.

" Ўз РМДА. И-126 - фонд, 1 - рўйхат, 1647 - иш. 2 - варак.

этилгандан бошлаб 1918 йилга қадар бўлган манбаларда сарбозларга бериладиган маош жуда оз миқдорда узгарганлигини кураимиз. Тўғри, амир Музаффар Россия империяси босқини арафасида пул ислохотлари утказган. Шундай булсада, қиймат масаласида катта 5'згаришлар сезилмайди. Амир Олимхон ҳукмронлиги даврига сарбозлар 14 танга, 1912 йилдан бошлаб эса амир сарбозларининг ҳар бирига ойига йигирма танга (уч сум) маош берилган. Уларга овқат ва бошка нарсалар берилмас эди. Низомий кийимлар ҳам шу ойлик ҳисобидан подшолик (яъни давлат ҳисобидан) томонидан тайёрлаб бериларди. Милтикларини таъмирлаш ишлари ҳам сарбозларнинг уз зиммаларида эди. Шанбеги сарбозларига фақат казармада соқчибулиб турган кунларида ҳар ун кишига кунда бир марта бир лаган ёрма бериларди. Кавказ гуруҳлари (Терский, Шефский, Отлик казаклар) бу умумий қоидадан мустасно эдилар, уларнинг овқатлари ва кийимлари подшоликдан тўла таъминланар эди'. Ҳарбий хизматчиларга мунтазам маош бериб бориш амир Насрулло ҳукмдорлиги давридан бошлаб амалга оширилган. Дастлаб маошлар натурал тарзда улашилиб, амирликдаги Зандани ва Кишти туманлари даромадларидан ушбу харажатлар копланган. Ушбу туман ҳудудларидан ҳарбий амалдорлар учун ер майдонлари ҳам ҳам ажратилган<sup>^</sup>.

Оддий сарбозларнинг яшаш жойларида ўз хўжаликлари мавжуд бўлиб, ҳарбий хизматдан бўш пайтларида зироатчилик ишлари билан машғул бўлишган. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида (амир Ҳайдар даврида қисман, асосан Насрулло ҳукмронлиги давридан бошлаб) ҳарбий хизматчиларга «кунлик» берилган бошланган. Бундан ташқари, ҳар жума кунда полов, колган кунларда асосан, суюқ овқат («мошоба») ва бир сарбозга бир кунда 1 дона оби нон берилган<sup>^</sup> Жангларда ҳалок бўлган сарбозларнинг оила аъзоларига маълум даражада имтиёзлар, моддий ёрдамлар ажратилган, бироқ унинг шарти деярли бутун манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида амал қилиниб

' Айний С. Дохунда. - Б. 239.

' Троицкая А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века. - С. 214

<sup>^</sup> Ўз РМДА. И-126 - фонд, 1 - руйхат, 1647 - иш. 2 - варақ.

келинган яъни, бева аёл вояга етган уз фарзандини умрбод ҳарбий хизмат учун топширмоги лозим эди.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухоронинг сўнгги амирлари Абдулахадхон ва Олимхонлар даврида европача услубдаги ҳарбий низомий гуруҳлар ташкил этилиб уларнинг барча харажатлари хазинадан қопланган. Мазкур гуруҳларнинг ҳарбийларига ойига 35 танга, байрамлар муносабати билан бир йилда 20 танга «Худойи пули» берилиб, овқатланиш, кийиниш, курол-аслаха, казарма харажатлари юкорида айтиб ўтилганидек хазинадан тўланган<sup>1</sup>. Бундан ташқари 1917 йилда ташкил этилган араббачалар, афғон гуруҳлари, шербачалар жамоалари учун ҳам юкоридаги тартибда маош ажратилган. 1910 йилда амир Олимхон ҳокимият тепасига келгач, ҳарбийлар учун «кунлик» харажатларини бекор қилинган<sup>2</sup> бўлса, 1918 - 1920 йилларда яна қайта жорий этилди. Бундай қарорга келишдан мақсад амирлик ҳудудига совет ҳокимияти томонидан хавфнинг кучайганлигидир. Аммо, ҳарбийларга маош берилишида кўпгина ҳолатларда чалкашликларга йўл қўйилган. Баъзи ҳолатларда хизматдан қочган, казо қилган ҳарбийлар учун ҳам хазинадан анча вақтгача маблағ олиб турилган бўлса, баъзида янги қабул қилинган хизматчилар ҳақидаги маълумотлар кечикиб берилганлиги боне улар анча вақтгача маошсиз қолишган. Ушбу қингирликлар кўриклар ўтказиш чоғида аниқлаб олиниб ортиқча маблағ хазинага қайтарилган:

- Ҳайдарбий девонбегининг аризаси. Карманадаги сарбозларни кўрик қилдик. Жами 760 нафар сарбозлардан 35 нафар кам. Сарполар тарқатаётганимизда яна 5 киши камлиги маълум бўлди. Улар казо қилишган экан. 35 сарбознинг тақдири номаълум. 35 киши йўқлиги сабабли 35 та янги қулуча, 35 та шолвар, 6 тангадан! "Жами 236 танга ортиқчалик қилди. Уларни Абдулқодирбекбий парвоначидан олиб хазинага қайта хатладик 1914 йил."<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўшажойда. 8 - варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда. 19 - варақ.

Сарбозларга ҳарбий кийимлар уз маошлари ҳисобидан ажратилган. Уларни қушиб ҳисобланса маош 20 тангага етиб боради.

<sup>3</sup> Ўз РМДА, И-126 - фонд, 1 - рунхат, 1506 - иш. 6 - варақ.

- Акрамбек додхоҳ аризасидан. Юборган ойлигингиз 25 кишига етмади. Мазкур 25 киши яқинда кўшинга киритилган, 1916 йил'. Манбаларда шундай ҳолатларга дуч келинадик, базмлар, муборакбод этишлар, тантаналарда сарфланадиган маблағлар ҳамсарбозлар зиммасига юклатилади.

- Панжобек чехраоғанинг аризаси: - Муҳаммад Ёқуб Мирохур сизнинг марҳаматингиз ила қулларингизни кўшинига саркарда қилиб тайинланди. Муборакбод қилиш учун мирохур, туксоба, саркардалар келиб ширинлик ва нон еб кетишди. Уларга: катта канд, эшикоғабошига кўк коғозли канд ва набот, туксобалар ва мирохурга ҳам кук коғозли канд берилди. Уларга бир ШОХИН тун, салла, қўлохни Сизнинг давлатингиздан бериб хакингизга дуолар олдим. 1914 йил<sup>^</sup>. Амирликнинг чекка вилоятларидаги нотинчликлар вақтида сарбозларга тўланиладиган маошлар кунлик билан қўшилиб 35 - 45 тангагача етиб борган".

- Карки вилоятидаги Абдулкарим юзбоши кўшинининг ойлиги ва кунлигини қоровулбеги орқали юбордик. 35 тангадан қулларига бериб дуолар олинсин. Шаъбон ойи, 1310/ январь-февраль 1893 йил<sup>5</sup>. Ушбу мазмундаги ҳужжатлар Қарши, Бойсун, Шеробод худудидаги харбий хизматчилар хусусида ҳам учрайди.

Қўшбеги архивида<sup>^</sup> XX аср бошларидаги Бухоро шахридаги казармаларда жойлаштирилган 200 кишилик Терский отрядининг бир ҳафталик озик-овкат харажатлари рўйхати келтирилади. Шанба кунидан жума кунигача 7 - кунлик гуруч ва сут харажатлари;

**Шанба:** нон - 46 танга, 3,5 ман мош - 13 танга, 7 чорик(чоряк<sup>^</sup>) ун - 8 танга, 7 чорик гуруч - 10,5 танга, 7 чорик гўшт- 11 танга, ўтин - 4,5 танга, жами: 93 танга.

<sup>1</sup> Ўшажойда. 8 - варақ.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 14 - варақ.

Замонов А. XVIII-XIX аср урталарида Бухоро амирлигининг қўшин тузилиши ва харбий бошқаруви.// Ўзбекистон тарихи, 2014 №1, 35-бет.

<sup>3</sup> Ўшажойда. 1571 - иш, 57 - варақ.

<sup>4</sup> Ўша даврда бир чоряк турт ни.мга ёки 5 фунтга тенг булган.

**Якшанба:** нон - 46 танга, 3,5 ман мош - 13 танга, 7 чорик ун - 8 танга, 7 чорик гуруч - 10,5 танга, 7 чорик гушт - 12 танга, шолгом - 4,5 танга, жами: 94 танга.

**Душанба:** нон - 46 танга, 3,5 ман мош - 13 танга, 7 чорик ун - 8,5 танга, 7 чорик гуруч - 10,5 танга, 7 чорик гўшт - 13 танга, утин - 4,5 танга, жами: 94 танга

**Сешанба:** нон - 46 танга, 3,5 ман мош - 13 танга, 7 чорик ун - 8,5 танга, 7 чорик гуруч - 10,5 танга, 7 чорик гушт - 13,5 танга, утин - 4,5 танга, жами: 96 танга

**Чоршанба:** нон - 46 танга, 3,5 ман мош - 13 танга, 7 чорик ун - 8,5 танга, 7 чорик гуруч - 10,5 танга, 7 чорик гушт - 13,5 танга, утин - 4 танга, жами: 95,5 танга

**Пайшанба:** нон - 46 танга, 3,5 ман мош - 13 танга, 7 чорик ун - 8,5 танга, 7 чорик гуруч - 10,5 танга, 7 чорик гушт - 13,5 танга, утин - 4 танга, жами: 95,5 танга

**Жума:** Гуруч - 60 танга, 17,5 чорик гушт - 36,6 танга, 5,5 чорик ёғ - 47 танга, нон - 46 танга, зира 8,5 танга, ўтин - 4 танга, жами: 202 танга.

**Ҳафталик жами 771 танга'.**

Юкоридаги ҳолатга тухталиб ўтар эканмиз, аскарларни овкатлантириш нинг маълум бир тизими жорий этилганлигини, ҳар жума кунлари улар учун байрам сифатида қарши олинганлигига гувоҳ буламиз. Шунинг ҳам эътироф этиб ўтиш жоизки, рўйхатда турли мевалар, айрим сабзавотлар, ширинликлар ва бир канча турдаги озиқ - овқат маҳсулотлари киритилмаган. Бунинг асосий сабаби шундаки, деярли мунтазам кўшин ташкил этилгандан бошлаб ҳар йили 2 та беклик мазкур харажатларни қонлаши зарур эди. Улар асосан ўзларида етиштирилдиган маҳсулотларни натурал тарзда жўнатиб туришган."

' ЎзР МДА. И-126 - фонд. 1 - рўйхат. 1611 - иш. 2 - варақ.

^ Қаранг: ЎзР МДА. И-126 -фонд, 1-руГ1хатнинг 1565. 1566. ишларида (жами 350 варақдан ортиқ) мазкур маса^пага дойр ҳужжатлар келтирилди.

Бухоро амирлигининг хижрий 1282 - 1337 йиллардаги (мил. 1865 - 1918 йиллар) харбий қисмларга ажратилган барча турдаги харажатлари ҳақидаги катта ҳажмли ҳужжатлар тўплами сақланади. Мазкур ҳужжатлар шу фонддаги бошқаларидан фарк қилиб барча маълумотлар (сана, ким учун қанча миқдорда, қаердан...) аниқ курсатилади. Ушбу ҳужжатларни синчиклаб урганиш жараёнида аён бўлдики 1865 - 1880 йилларда харбийлар маоши анча кечиктирилиб (ушбу ҳолат 1905 - 1907, 1914 - 1917 йилларга ҳам тегишли), 1880- 1905, 1908 - 1914 йилларгача уз вақтида берилганлиги кузатилади. Бу нарса амирликдаги, қолаверса, Россиядаги сиёсий вазиятга ҳам боғлиқ бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас. Жумладан; 1882 йил шаъбон ойига тегишли бир ҳужжатда шундай дейилган:

- куйидагиларнинг шаъбон ойи маошлари берилиб дуолар олинди; Мухаммад Салим қўшинидаги 648 нафар сарбозга 12960 танга, 448 нафар 1 (ўшиндаги Мирохур тўқсаболарнинг ойлиги 8960 танга, Абдулкарим тўқсабо қўшинидаги 612 нафарга 12240 танга, Бўрибек Мирохур қўшинидаги 68 нафарнинг ойлиги 12160 танга, Хожи Ахмад тўқсабо навкарининг 395 нафари ойлиги 7900 танга, Нуротадаги Абдулкарим тўқсабо қўшинининг 300 нафарига - 6000 танга, тўпчи рикоби олийнинг 330 нафарининг ойлиги 6660 танга, Давлат тўқсабонинг 628 нафари ойлиги, 12560 танга, тўқсабонинг 356 нафари ойлиги 7120 танга, Мулло Мухаммади тўқсабо қўшинидаги 418 нафарнинг ойлиги 8360 танга, Ахмад тўпчининг 140 нафари ойлиги 2800 танга, қўрғон тўпчиларининг 107 нафари ойлиги - 2740 танга, 75 нафар сарбознинг ойлиги 1500 танга.

Жами: 1 лак 1960 танга'. 1917 йил Россияда монархия тузуми ағдарилгач, амирлик расман суверен давлат сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бирок, мамлакатдаги ички вазиятнинг кескинлашуви, қолаверса 1917 йил октябр тўнтаришидан сўнг амирликка катта хавф туғила бошлади. Ана шундай вазиятда харбий соҳа ривожини учун Олимхон томонидан амалий ишлар кучайтирила бошланди.

Сўнги уч йил ичида (1917 - 1920 йиллар) амирлик низомий аскарларининг сони 50 мингга етказилиб уларнинг маошлари бир неча марта оширилди.'

Шуниси эътиборга моликки, ҳарбий харажатларнинг оширилиши халкнинг оғир турмуш тарзи ҳисобига амалга оширилиб бу даврда солиқларнинг бир неча баробар кўтарилганлигини кўрамиз. Бухоро амирлиги ҳарбийларининг моддий ва маиший турмуш тарзи масаласида қуйидаги хулосаларга келиши мумкин:

- амирлик қўшини ҳарбийлари ҳарбий хизматга юртга садоқат, ватарпарварлик, бурч сифатида қаралмасдан, моддий эҳтиёжларини қоплаш нуқтаи назаридан қаралган;

- қўшинда маънавий - маърифий ташвиқотлар олиб борилиши хусусида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди;

- қўшинда кўпгина ҳолатларда уларнинг дастури, режалари ишлаб чиқилмаган.

## Хулоса

Битирув малакавий ишининг умумий таҳлили на олинган натижалар куйидаги хулосалар олишга асос булади:

1. Темурийлар салтанати парчаланган даврдан то XIX аср бошларига қадар Ўрта Осиёдаги хонликлар, жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудида ҳарбий иш ва қўшин тузилиши деярли ўзгармай турғунлик ҳолатида сақланиб келинди. Шу уч асрлик муддат ичида дунёнинг бир катор мамлакатларида ҳарбий иш санъат даражасида кўтарилиб бўлган эди.

2. XIX асрнинг бошларида амирликда мунтазам ҳарбий қўшин тузиш учун дастлабки амалий кадамлар қўйилди. Манғит амирларидан амир Ҳайдар бу соҳада бошлаган ислохотларини унинг вориси амир Насрулло давом эттириб, 1837 йилда амирлик тарихида илк бор доимий қўшинга асос солди.

3. Бухоро амирлиги қўшини Россия империяси ҳарбийлари билан илк тўқнашувларда ўзининг ҳарбий заифлигини кўрсатди. Амир Насрулло давридаёқ Россия армиясининг зобит ва ҳарбий маслахатчилари Бухоро амирлигига таклиф этилиб, европача ҳарбий илм ва таълим бериш йўлга қўйилган эди. Бирок, мавжуд деспотик тузум бу йўлга каттақовбўлганди. Шунга карамай, Россия таъсирида 1880 йилда рус ҳарбий низоми Бухоро амирлиги қўшини учун асос сифатида қабул килинди. Натижада, амирлик қўшини XIX аср охирларидан бошлаб саф тортиш, сафда юриш, ҳарбий дала машқларини ўтказиш, кийиниш услубида Россия армиясининг ҳарбий низомига монанд амалий ишларга ўтди. Бирок илғор конун-қоидаларга ҳамма вақт ҳам амал килилмади. Сарбозларнинг ҳарбий хизмат сафига қабул килиниши ва ундан бўшатилиши, ҳарбий хизмат муддати, жазога тортиш каби масалаларда ҳамон ўрта асрчилик қоидалари сақланиб қолди.

4. Россия империяси вассаллиги даврида амирларнинг бош қароргоҳи - аркни кўриклашдек жиддий иш ханузгача ғуломбачаларга (яъни кулларга) топширилганлиги умуман, амирликда кулчиликнинг сақланганлиги амирлик чегаралари эса асосан рус қўшинлари хомийлигида кўрикланганлиги ҳарбий иш салоҳиятига салбий таъсир кўрсатар эди. Замон талаблари асосида қўшин

ташкил этиб, уни мукаммал ҳолга келтиришда вассаллик тавқи йўл қўймас, иккинчидан амирликнинг бу масаладаги ҳуқуқ ва эркинликлари чегаралаб қуйилган эди.

5.1917-1920 йилларда қизил армия босқини хавфи остида амирликда маълум даражада қўшин тузилиши ишига эътибор қаратилди. Мазкур йилларда Бухоро амирлигининг сиёсий жиҳатдан мустақамлигини, юрт озодлигини сақлаб қолиш энг асосий вазифа саналган булсада, бироқ қисқа муддат ичида бу ишни ҳал этиш кийин кечган. Бундай вазифанинг амалга ошмаслигининг ички ва ташқи сабаблари ҳам мавжуд булган.

6. Амирликдаги ҳарбий унвон ва мансаб эгаларининг фаолияти маълум маънода XIX аср охирларидан бошлаб замонавий тартибга ута бошлади. Бу ҳолда Россия империяси армияси ҳарбий низоми қабул қилинди. Ушбу ижобий ҳолатларга қарама-қарши ўлароқ ҳарбий соҳада амал ва мансабларга 'тайинлашда кўпроқ шахсларнинг иқтидор ва қобилиятларига қараб эмас, балки насл-насабига, бойлигига, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчиликка эътибор берилганлиги, ҳарбий мансабдорларнинг ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилганликлари, укувсизликлари манбаларда ўз аксини топган.

1920 йилга қадар ҳам Бухорода ҳарбий мутахассислар тайёрлайдиган бирорта таълим муассасаси мавжуд эмасди.

7. Ҳарбий соҳадаги бир қатор ножоиз ва мукаммал бўлмаган қонун-қоидаларни кўрсатиш мумкин: ҳарбий амалдорлар унвон ва мансабининг мерос бўлиб ўтиши, сарбозларнинг хизмат ёши ва муддатининг чегараланмаганлиги, яъни уларнинг вафоти муносабати билангина вазифасидан озод этилиши, амирликнинг тугатилиши давригача ҳам ҳарбий амалдорларни тайинлаш тартиб-қоидаларининг тўла ишлаб чиқилмаганлиги, амирликдаги ҳарбий амалдорларнинг сиёсий ва ҳарбий билимлари, илмий салоҳияти, жисмоний ҳолати, укуви замон талабларидан анча орқада қолганлиги, қўшиннинг асосий вазифаси мамлакат мудофааси эмас, балки, мавжуд тартибни сақлаш, амирликдаги кўзғолонларни бостириш бўлиб келаётганлиги қабилар шулар жумласидандир.

8. Амирлик кўшинида маънавий-маърифий ташвиқот ишлари олиб борилмас, шунинг учун ҳарбийлар ўз мажбуриятларига юртга садокат, бурч сифатида эмас, балки, тирикчилик манбаи, моддий эҳтиёжларини кондириш нуқтаи назаридан қараганлар.

9. Қўшиннинг ҳарбий машқлари учун дастур, режалар ишлаб чиқилмас, жанг килишдаги ҳарбий тактика ва стратегия масалаларига эътибор берилмаганлиги сарбозларга амалдорларнинг хўжалигина юритувчи арзон ишчи кучи сифатида қаралганлигидан ҳам тасаввур килиш мумкин. Ҳарбий дала машқлари ҳам хўжакўрсинга ўтказилиб, ушбу ҳолат мавсумий кўринишни олар, об-ҳавонинг ноқулай шароитларида деярли ўтказилмас эди.

10. Бухоро амирлиги тугатилганидан сўнг собиқ амир кўшинининг негизида ташкил этилган советлар ҳокимиятига қарши ҳаракат қатнашчилари бир вақтлар фақат оила тебратиш учун ҳарбий хизматни ўтаган юртпарварлар эндиликда ўз Ватанлари озодлиги учун кўлларига қурол олиб босқинчиларга қарши курашдилар.

## **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар I. Расмий ҳужжатлар**

- 1.1. Каримов И. А. . Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар. т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 363 б.
- 1.2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар. Т. 2. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-381 б.
- 1.3. Каримов И. А. ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолотлари. - Тошкент: Ўзбекистон. 1997. -325 б.
- 1.4. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда. - Тошкент: Ўзбекистон. 1999.-350 б.
- 1.5. Каримов И. А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ: «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувида сузлаган нутқ, 1996 йил 4 сентябрь. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т. 5. - Б. 147-150.
- 1.6. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент: Шарк, 1998. -31 б.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви манбалари**

- 2.1. И-126-фонд. Бухоро амирлиги Қўшбегиси Канцелярияси.
- 2.2. И-1-фонд. Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси.
- 2.3. И-2-фонд. Генерал-губернатор дипломатик амалдори.
- 2.4. И-3-фонд. Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги.
- 2.5. И-715-фонд. Туркистон ўлкасининг босиб олиниши тарихига дойр ҳужжатлар.
- 2.6. Самарканд шаҳридаги Республика маданияти тарихи давлат музейи архиви.-№№ 814, 813, 823, 824 - ишлар.

## **III. Манбалар**

- 3.1. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқанди. Тарихи жаҳоннамой. // Қўлёзма, ЎзФА Шаркшунослик институти. - № 9455; Абдурауф Фитрат. Амир

Олимхоннинг ҳукмронлик даври. / Тожик тилидан А Ирисов таржимаси. - Тошкент: Минҳож, 1992. - 616.

3.2. Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. - М., 1926. - 178 б.

3.3. Ахмад Махдуми Дониш. Наводир ул-вақоеъ. - Ташкент: Фан, 1964. -4106.

3.4. Мирза Абдулазим Сами. Тарих-и салатитин-и мангитийа (история мангытских государей). Изд. Текс, перевод и примеч. Л. М. Епифановой. - М., 1962.

3.5. Муҳаммад Шарифжон ибн Абдушукур - Садри Зиё. Фихрист // Қўлёзма. ЎзФА ШИ. - № 2460.

3.6. Муҳаммад Саййид Балжувоний. Тарих-и нофеи. Тожик тилидан таржима, суз боши ва изохлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. Тошкент: Академия, 2001.-215 б.

#### **IV. Номзодлик ва докторлик бнтирув малакавий ишилари ва авторефератлари**

4.1. Абдуллаев Р. М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 г.г. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 1998.-62 с.

4.2. Воҳидов Ш. XIX-XXаср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фан. докт. дисс. ... - Тошкент: Ўз ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 1998. - 315 б.

4.3. Муродова Ш. XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон улкасидаги озодлик ҳаракатлари тарихи. (Самарканд вилояти мисолида.) Тарих фан. номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 2004. - 27 б.

4.4. Муҳаммаджонова Л. XX асрнинг бошларида Бухорода ижтимоий-сиёсий вазият ва демократик ҳаракатлар ривожланиши (1908- 1920). Тарих фан. ном.дисс. ... - Тошкент, 2000. - 140 б.

4.5. Норкулов Н. «Таърихи Салимий»-ценный источник по истории Бухарского эмирата (1860-1920 г.г.) // Рукопись дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1968.-388 с.

4.6. Одилов А. А. Бухоро амирлигида миллий-озодлик ҳаракатлари тарихи (Абдумалик Тура бошчилигидаги халк озодлик ҳаракати мисолида). Тарих фан. ном.дисс. ... автореф. - Тошкент, 2003. - 26 б.

4.7. Пардаев К. К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX-XXаср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Тарих фан. ном.дисс. ... автореф. - Тошкент, 2003. - 27 б.

4.8. Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918—1924 йй.). Тарих фан. докт. дисс. ... - Тошкент, 2005. - 342 б.

4.9. Раҳмонкулова З. Б. XVI-XXаср бошларида Ўрта Осиё ва усмонийлар давлатлари уртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи. Тарих фан. ном.дисс. ... автореф. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2003. - 24 б.

4.10. Турсунов Б. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, аъъаналари. (XIX асрнинг 70 йилларигача.) Тарих фан. ном. дисс. ...-Тошкент, 2006. - 146 б.

## **V. Адабиётлар**

5.1. Бартольд В. Бухара. // Сочинения. Т. III. - М.: Наука 1965. - 711 с.

5.2. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. - Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1990. - 96 б.

5.3. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар. - Ташкент, 1996. - 34 б.

5.4. Зиёев Ҳ. З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши қураш. (XVII- XX аср бошлари). - Ташкент; Шарқ, 1998. - 248 б.

5.5. Зиёев Ҳ. З. Ўзбекистон мустақиллиги учун қурашларнинг тарихи. (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). - Тошкент: Шарқ, 2001.

5.6. Муҳаммаджонов А. Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига дойр баъзи манбалар. - Тошкент, 1957.

5.7. Умирзоков Ш.У. Артиллерия тарихи. - Самарканд. 2001. - 73 б.

5.8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Ташкент: Шарк, 2000. - 464 Б.

#### **VL Газета ва журнал мақолалари**

6.1. Вохидова Т. По следам подарков Бухарского эмира. // Мозийдан садо, 2006.-№4.-Б. 38-42.

6.2. Замонов А. XVIII-XIXаср урталарида Бухоро амирлигининг қўшин тузилиши ва харбий бошқаруви.// Ўзбекистон тарихи, 2014 №1 -31-41.

6.3. Одилов А. Абдумалик Тура бошчилигидаги халк озодлик ҳаракати тарихидан. // ЎзМУ хабарлари, 2002. - Л<sup>в</sup>2.

6.4. Одилов А. Озодлик фидойиси // Тафаккур, 2001. - № 2.

6.5. Очилдиев Ф. Бухоро амирлигида иктисодий ҳаёт. // Жамият ва бошқарув, 2001. - № 2.

6.6. Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон — манғитлар сулоласи асосчиси. // Бухоро мавжлари, 2005. - № 3. - Б. 36-37.

6.7. Ражабов Қ. Муҳаммад Дониёлбий оталиқ: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача. // Бухоро мавжлари, 2005. - 4. - Б. 37-39.

6.8. Холикова Р. Амирликдаги амаллар ва унвонлар. // Фан ва турмуш, 2000-№4.

6.9. Холикова Р. Бухоро тарихига оид муҳим манба. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2004. - № 1.

6.10. Холикова Р. Бухоро ҳукмдорлари. Автобиографик очерк (XIX аср бошлари). // Жамият ва бошқарув, 2004. - № 2.

6.11. Холикова Р. XIX асрда Бухоро амирлиги. // Жамият ва бошқарув, 2000.-jY03.

- - - с i...; " ■■

Муҳаммад Акрамбий  
даргоҳнинг жаноби олий  
ҳазратимга қилган аризаси:  
ҳазратимнинг азиз бошларига  
тасаддук булай! Юборган  
ойлигимиз 25 кишига етмади.  
Мазкур 25 киши яқинда қўшинга  
киритилган. Шуларнинг  
рўйхатини тузиб Қўшбеги ва  
тўпчибоши кулларингиз олий  
даражага ёзди. Мазкур кулларнинг  
ойлигини Эгамберди Чехраоға,  
яъни хотинимнинг акаси, яъни  
Шўркўллик Муроднинг  
ўғли

и  
Тағоймуроднинг 2 нафар қазо  
қилган чехраоғаси, Жўйзардаги  
Бобожоннинг ўғли Йўлдошнинг 2  
нафар хизматдан юз ўгирган  
кишиси, Ҳожи Муҳаммаднинг  
хизматга келмаган  
кишиларининг ойликларидан олиб  
бердик. Ҳамма кулларингиз зоти  
олийни бениҳоя дуолар қилдилар.

■ . и/

ЎзР МДА. И-126-фонд, 1-рўйхат  
1506-иш, 8-варақ.